

ПОСТАНОВЛЕНИЕ

КАБИНЕТА МИНИСТРОВ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

О МЕРАХ ПО СОВЕРШЕНСТВОВАНИЮ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННОЙ, МЕЛИОРАТИВНОЙ И ДОРОЖНО- СТРОИТЕЛЬНОЙ ТЕХНИКИ

г. Ташкент,

17 апреля 2019 г.,

№ 325

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ, МЕЛИОРАЦИЯ ВА ЙЎЛ-ҚУРИЛИШ ТЕХНИКАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА- ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 15 мартдаги ПҚ-4241-сон қарорига мувофиқ, шунингдек, қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш техникалари ҳамда агротехника тадбирлари ҳолатининг назоратини самарали ташкил этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Қуйидагилар:

Қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш техникаларини техник кўриқдан ўтказиш тартиби тўғрисида низом **1-иловага** мувофиқ;

Қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш техникаларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисида низом **2-иловага** мувофиқ;

Тракторчи-машинистларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, таълим муассасаларини ҳисобга олиш, имтиҳонларга кириш ва уни ўтказиш ҳамда қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш техникаларини бошқариш ҳуқуқини берувчи тракторчи-машинист гувоҳномасини бериш тартиби тўғрисида низом **3-иловага** мувофиқ;

Қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш техникаларига давлат рақами белгиларини ва қатъий ҳисобдаги бланкаларни беришда, рўйхатдан ўтказишда (қайта рўйхатдан ўтказишда), техник кўриқдан ўтказишда, шунингдек, тракторчи-машинист имтиҳонларини олишда ундириладиган тўлов ставкалари **4-иловага** мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси томонидан назорат қилинадиган ва техник кўриқка жалб этиладиган қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш техникалари, таъмирлаш ва сервис асбоб-ускуналари турларининг рўйхати **5-иловага** мувофиқ;

Қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш техникалари ҳамда агротехника тадбирлари ҳолатининг назоратини самарали ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар режаси **6-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилаб қўйилсинки:

2019 йил 1 декабрдан бошлаб Тошкент шаҳрида, 2020 йил 1 мартдан бошлаб республика бўйича — тегишли равишда тракторчи-машинист гувоҳномасини расмийлаштиришда — тракторчи-машинист гувоҳномасининг, техникаларни рўйхатдан ўтказишда (қайта рўйхатдан ўтказишда) — техник паспорт ва техник гувоҳноманинг янги намуналари берилди;

2020 йил 1 март — 2020 йил 31 декабрь даврида эски намунадаги техник паспорт ва техник гувоҳнома, тракторчи-машинист гувоҳномаси, уларнинг берилган санасидан қатъи назар, эгаларининг аризасига кўра, мажбурий техник кўрикдан ўтказишда, олди-сотди, рўйхатдан ўтказиш ва чиқариш даврида алмаштирилади;

2021 йил 1 январь — 2022 йил 31 декабрь даврида эски намунадаги барча техник паспорт ва техник гувоҳнома, тракторчи-машинист гувоҳномаси, уларнинг берилган санасидан қатъи назар, мажбурий тартибда алмаштирилади;

эски намунадаги техник паспорт ва техник гувоҳнома, давлат рақами белгилари, тракторчи-машинист гувоҳномаси 2023 йил 1 январдан бошлаб ҳақиқий эмас деб ҳисобланади;

мазкур қарор билан тасдиқланган тўлов ставкалари 2019 йил 1 июлдан бошлаб кучга киради.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекциясига қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш техникаларини техник кўрикдан ўтказиш учун зарур техник-диагностика воситаларини ҳамда пластик шаклдаги ҳужжатларга тегишли маълумотларни киритиш учун зарур ускуналар ва электрон дастур таъминотини харид қилиш учун 7,0 млрд. сўм маблағ ажратилишини бир ой муддатда таъминласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича маслаҳатчиси А.Д. Вахабов ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси бошлиғи М.Т. Эсанов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 17 апрель,
325-сон

Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 17 апрелдаги 325-сон қарорига
1-ИЛОВА

Қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш техникаларини техник кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисида

НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом тракторлар, трактор тиркамалари, ўзиюрар ва қишлоқ хўжалиги машиналари, мелиорация ва йўл-қурилиш техникаларини, сервис ва таъмирлаш жихозлари

ва бошқа ускуналарни (кейинги ўринларда техника деб аталади) мажбурий техник кўриқдан (кейинги ўринларда-техник кўриқ деб аталади) ўтказиш тартибини белгилайди.

2. Техникаларнинг техник кўриқдан ўтказилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси (кейинги ўринларда Инспекция деб аталади) томонидан, техник кўриқ бўйича кўрсатиладиган хизматлар Инспекция ҳузуридаги «Агросаноат мажмуида хизматлар кўрсатиш маркази» давлат унитар корхонаси (кейинги ўринларда Марказ деб аталади) томонидан мазкур Низомга мувофиқ ўтказилади.

3. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш техникалари — қишлоқ ва ўрмон хўжалигига мўлжалланган барча турдаги тракторлар (ғилдиракли, занжирли ва ярим занжирли), ўзиюрар машиналар (ўзиюрар қишлоқ хўжалиги машиналари, ўзиюрар мелиоратив ҳамда йўл-қурилиш техникалари), трактор тиркамалари, қишлоқ хўжалиги, йўл-қурилиш, мелиоратив ва бошқа мақсадларга мўлжалланган тупрокка ва экинларга ишлов берувчи, юк ортувчи, дон ва уруғни қайта ишлашга мўлжалланган машиналар, чорвачилик, паррандачилик ва ем-хашак ишлаб чиқариш машина ва технологик ускуналари, сув насослари, кичик механизация мосламалари;

ўзиюрар машиналар — ўзининг ҳаракатлантирувчи қурилмасига эга қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш техникалари;

махсус майдонча — техникаларни кўриқдан ўтказиш, зарур ҳолатларда тегишли ўлчов асбоб-ускуналаридан фойдаланиш имкониятига эга майдон;

техник кўриқ далолатномалари — мавжуд техникалар сони ва улар ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олган шакл;

техник кўриқдан ўтказилганлиги тўғрисидаги талон бланкаси — ҳар йили техник кўриқ натижасига кўра ҳар бир техника учун бериладиган, махсус ҳимояланган бланка;

техник паспорт — трактор, тиркама ва ўзиюрар техникалар учун бериладиган, техникаларнинг эгаси, номи, русуми, заводи, двигатель, шасси ва бошқа рақамлари қайд этиладиган махсус ҳимояланган ҳужжат;

техник гувоҳнома — агрегат, машина, механизм ва ускуналар учун бериладиган, уларнинг эгаси, номи, русуми ва зарур рақамлари қайд этиладиган ҳужжат;

техникаларни юклашдан олдин техник кўриқдан ўтказиш — техникаларнинг умумий техник регламент ва давлат синови натижаларининг ижобий кўрсаткичларига мослигини кўриб чиқиш.

4. Техникаларни техник кўриқдан ўтказишда техникаларнинг техник ҳолати ва ускуналари «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни ва Йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидалари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 18 мартдаги 80-сон қарори билан тасдиқланган «Қишлоқ хўжалиги техникалари конструкциясининг хавфсизлиги тўғрисидаги умумий техник регламент» (кейинги ўринларда Техник регламент деб аталади), стандартлар, қоидалар ва нормаларга мувофиқлиги баҳоланади.

5. Юридик ва жисмоний шахсларга, шу жумладан, хорижий юридик ва жисмоний шахсларга тегишли бўлган ва белгиланган тартибда Марказда рўйхатдан ўтказилган техникалар мазкур Низомга мувофиқ техник кўриқдан ўтказилиши керак.

6. Техникалар қуйидаги даврийликка мувофиқ техник кўриқдан ўтказилиши керак:

а) ишлаб чиқарилган йилидан, фойдаланиш ёки фойдаланмаслик, яроқли ёки яроқсизлигидан қатъи назар, барча турдаги техникалар, шунингдек ишлаб чиқарилган вақти аниқланмаган техникалар — бир йилда бир марта;

б) тиркамалар кўрикка шатакчи техника учун белгиланган муддатларда тақдим этилади;

в) навбатдаги техник кўриқдан ўтказишнинг илгари ўрнатилган муддатларидан қатъи назар, уларни Марказда рўйхатдан ўтказишда (қайта рўйхатдан ўтказишда);

г) нотариал идоралар, тендер комиссиялари ҳамда бошқаларга маълумотнома беришдан олдин;

д) техникаларнинг ҳисобдан чиқарилишидан олдин.

7. Техникаларнинг Марказ томонидан техник кўриқдан ўтказилганлиги учун белгиланган миқдорларда йиғим ундирилади.

Аввалги техник кўриқда носоз деб топилган техникалар қайта техник кўриқдан ўтказилганлиги учун йиғимлар умумий қоидалар асосида ундирилади.

2-боб. Техник кўриқни ташкил этиш

8. Техник кўриқни ўтказиш мазкур Низомнинг 1-иловасидаги жадвал асосида режалаштирилади. Жадвалда техник кўриқни ўтказиш жойи, санаси ва вақти, кўрикка қўйилаётган техникалар сони тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилади.

Жадвал юридик ва жисмоний шахсларнинг техникалари сони 10 та ва ундан ортиқ бўлганда уларнинг жойида, техника сони 10 тадан кам бўлганда жойлашган ҳудуддаги машина-трактор парки, муқобил машина-трактор парки ёки махсус майдончаларда йиғиш (жамлаш)ни назарда тутган ҳолда тузилади.

Техник кўриқ кунлари техника эгаларининг буюртманомалари, об-ҳаво ва ишлаб чиқариш шароитлари ва бошқа ҳолатлар ҳисобга олинган ҳолда Марказнинг туман (шаҳар) бўлимлари томонидан белгиланади.

9. Кунлик техник кўрикка қўйиладиган техникалар сони мавжуд диагностика ва назорат-ўлчаш ускуналарининг кунлик иш унумидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

10. Техник кўриқни ўтказиш жадвали ва уни ўтказиш бўйича комиссия таркиби ҳар йили 15 январь кунига қадар Марказнинг туман (шаҳар) бўлими томонидан тайёрланади ва Инспекциянинг туман (шаҳар) бўлими томонидан тасдиқланади. Комиссия таркиби уч кишидан иборат бўлади.

Комиссия таркибига туман қишлоқ хўжалиги бўлими ва туман «Агросервис» МТП МЧЖ вакили ҳамда бошқа хўжалик бошқаруви органларининг вакили киритилиши мумкин.

11. Техникага мулк ҳуқуқи асосида эгалик қилувчи шахсларга (кейинги ўринларда мулкдор деб аталади) техник кўриқ ўтказиладиган муддатлар тўғрисида билдиришнома юборилади, унга мазкур Низомнинг 2 ва 3-иловаларига мувофиқ техник кўрикка тақдим этиладиган техникалар тўғрисида далолатномалар илова қилинади. Техник кўриқ далолатномаларида талаб этиладиган маълумотлар кўрсатилган ҳолда техникалар рўйхатига мувофиқ, мулкдор (жисмоний шахслар учун — мулк эгаси, юридик шахслар учун — ташкилот раҳбари) томонидан тўлдирилади. Техникалар гуруҳининг техник кўриги далолатномасида кўрсатилган техникалар тўғрисидаги маълумотлар Марказнинг рўйхатга олиш ҳужжатлари билан таққосланади.

12. Хизмат муддатини ўтаган ва белгиланган майдончаларга олиб келиш қийинчилик туғдирадиган техникалар иш (фаолият) олиб борилаётган ҳудудда ёки сақланаётган жойда кўриқдан ўтказилади.

13. Техникаларнинг техник кўриги ўтказиладиган жойи ва вақти Марказ томонидан белгиланади.

Техникалар навбатдаги техник кўриқка Марказ томонидан белгиланган жойларга тасдиқланган муддатдан кечиктирмасдан, мулкдорлар томонидан етказилиши шарт.

14. Бошқа юридик ёки жисмоний шахсларга ижарага берилган техникалар ижарага берувчида ёхуд улар вақтинчалик рўйхатдан ўтказилган жойда Марказ томонидан ижарага берувчи учун белгиланган муддатларда техник кўриқдан ўтказилади.

15. Техник кўриқ бошланишидан камида ўн кун олдин мулкдор ёхуд унинг ишончли вакили Марказга қуйидаги ҳужжатларни:

юридик шахслар:

юридик шахснинг раҳбари, бош бухгалтер (бош бухгалтер функциясини бажарувчи шахс) томонидан тасдиқланган техник кўриқ далолатномасининг бир нусхасини;

мукамал таъмирлашда, хизмат сафарига бўлган, ижарага берилган ёки сотишга қўйилган техникалар сонини тасдиқловчи маълумотларни;

газ ёнилғисида ишлаш учун қайта жиҳозланган техникаларга ўрнатилган газ баллонларининг амалдаги техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга мослиги ҳақидаги сертификатлаштириш органи томонидан берилган мувофиқлик сертификати нусхасини;

Саноат хавфсизлиги давлат қўмитасининг газ баллонларини синовдан ўтказиш ҳуқуқини берувчи рухсатномаси мавжуд бўлган ташкилот томонидан газ ёнилғисида ишлаш учун қайта жиҳозланган техникаларнинг газ баллонлари синовдан ўтказилганлиги тўғрисидаги далолатнома нусхасини;

техникаларни бошқарувчи тракторчи-машинистлар рўйхати ва уларнинг тракторчи-машинист гувоҳномалари нусхасини;

белгиланган йиғим тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этади;

жисмоний шахслар:

паспорт ёки шахсни тасдиқловчи бошқа ҳужжат (ҳарбий хизматчилар — шахсий гувоҳнома; хорижий фуқаролар — ички ишлар органларида рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисида белги қўйилган миллий паспортлари ёки Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномаси; фуқаролиги бўлмаган шахслар — Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномаси)ни;

техникани бошқариш ҳуқуқини берувчи ҳужжатни;

техниканинг рўйхатдан ўтказилгани тўғрисидаги техник паспорт ёки техник гувоҳномани;

Саноат хавфсизлиги давлат қўмитасининг газ баллонларини синовдан ўтказиш ҳуқуқини берувчи рухсатномаси мавжуд бўлган ташкилот томонидан газ ёнилғисида ишлаш учун қайта жиҳозланган техниканинг газ баллонлари синовдан ўтказилганлиги тўғрисидаги далолатномани;

сертификатлаштириш органи томонидан берилган газ ёнилғисида ишлаш учун қайта жиҳозланган техникаларга ўрнатилган газ баллонларининг мувофиқлик сертификати нусхасини;

белгиланган йиғим тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этади.

16. Мулкдорнинг касаллиги, фавқулодда ҳолатлар ёки бошқа узрли сабаб билан техник кўриқдан белгиланган муддатларда ўтказилмаган техникалар тасдиқловчи ҳужжат бўлган тақдирда, мулкдор соғайгандан ёки бошқа узрли сабаб ва фавқулодда ҳолат бартароф этилгандан кейин 10 кун мобайнида техник кўриқдан ўтказилади.

17. Марказ мулкдорга тегишли техникаларнинг техник ҳолатини текшириш учун махсус жиҳозланган транспорт воситалари, техникаларининг техник ҳолатини текширишни ташкил этиш ва ўтказиш учун зарур технологик жиҳозлар билан таъминланган ишлаб чиқариш-техник базага эга бўлиши шарт.

18. Юридик ва жисмоний шахсларга тегишли техникаларнинг техник ҳолатини текшириш учун диагностика станциялари ва махсус жиҳозланган транспорт воситаларининг ишлаб чиқариш-техник базаси:

а) техникаларнинг техник ҳолатини текшириш учун — Техник регламент, гада ишловчи техникалар — Саноат хавфсизлиги давлат қўмитасининг талабларига мувофиқ бўлиши;

б) техниканинг тормоз тизимини текшириш учун тормоз тизимининг техник диагностика, пневматик ва пневмогидравлик тормоз узатмаларида сиқилган ҳаво босими ва герметикликни (босим тушишини) назорат қилиш воситаларига, тиркамаларни улаш мосламасининг босиб туриш қурилмаси, руль бошқарувидаги умумий эркин юриш (люфтини) ўлчаш прибори, руль бошқаруви ва механизми (подвескаси) деталларидаги эркин юриш (люфтларни) текшириш тестери, чироқлар ёруғлигини бошқаришни ва кучини назорат қилиш прибори, шиналарни техник диагностика қилиш воситалари, газанализатори — учкундан ўт олдириш двигателларига эга техникаларнинг ишлаб бўлинган газларида ифлослантирувчи моддаларнинг мавжудлигини аниқлаш прибори, тутун ўлчаш прибори — сиқилишдан ўт олдириш двигателларига эга техникаларнинг ишлаб бўлинган газларида тутунни аниқлаш прибори, двигателнинг айланиш частотаси ва мой ҳароратини ўлчаш приборига, шовқинни ўлчаш прибори, ойналарнинг ёруғлик ўтказишини текшириш прибори, компрессор, қинчали манометр, зарур компьютер техникасига эга бўлиши лозим.

Айрим техник диагностика воситалари хавфсиз фойдаланиш бўйича талабларга мувофиқ бўлиш шарти асосида универсал техник воситалар билан алмаштирилиши мумкин.

Қўлланиладиган барча ўлчов воситалари тасдиқланган типда, қонун ҳужжатларига мувофиқ текширувдан ўтган бўлиши зарур.

19. Ишлаб чиқариш-техник базанинг майдони, техник диагностика воситаларининг сони ва хусусиятлари, меҳнат ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишга оид талаблар қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

20. Техникаларни текширишга тегишли мутахассисликка эга бўлган ёки диагностика қилиш технологияси, диагностика жиҳозларининг тузилиши ва ишлаш принциплари, диагностика воситаларини қўллаган ҳолда техник ҳолатни текшириш методлари, меҳнатни муҳофаза қилиш талаблари бўйича малакага эга шахслар қўйилиши мумкин.

21. Техникага ўрнатилган сиқилган табиий газ (кейинги ўринларда СТГ деб аталади) ва суюлтирилган нефть гази (кейинги ўринларда СНГ деб аталади) тизимларининг герметиклиги ҳамда агрегатлари ва узеллари уланган жойларнинг ишончлилиги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган Сиқилган табиий гада, суюлтирилган нефть газида ёки дизель ва газсимон ёқилғи аралашмасида ишлайдиган техникаларнинг хавфсизлиги тўғрисидаги умумий техник регламентга мувофиқ, Саноат хавфсизлиги давлат қўмитасининг газ баллонларини синовдан ўтказиш ҳуқуқини берувчи рухсатномаси мавжуд бўлган ташкилот томонидан газ ёнилғисида ишлаш учун қайта жиҳозланган техниканинг газ баллонлари синовдан ўтказилганлиги тўғрисидаги далолатномасига асосан қўриб чиқилади.

22. Техникага ўрнатилган СТГ ва СНГ тизимлари Саноат хавфсизлиги давлат кўмитасининг газ баллонларини синовдан ўтказиш ҳуқуқини берувчи рухсатномаси мавжуд бўлган ташкилот томонидан газ ёнилғисидан ишлаш учун қайта жиҳозланган техниканинг газ баллонлари синовдан ўтказилганлиги тўғрисидаги далолатнома, сертификатлаштириш органи томонидан берилган газ ёнилғисидан ишлаш учун қайта жиҳозланган техникаларга ўрнатилган газ баллонларининг мувофиқлик сертификати асосида техник кўриқдан ўтказилади.

23. Техник кўриқ техникалар рўйхатдан ўтказилган жойда зарур шарт-шароитларга (техник диагностика ускуналарига, кўтариш мосламаларига ёки қараб чиқиш учун чуқурчаларга, назорат-ўлчаш асбобларига, асфальт ёки бетон қопланган бир текис горизонтал майдончага) ва малакали мутахассисларга эга бўлган ташкилотларда, техника хизмати кўрсатиш станцияларида ҳамда махсус жиҳозланган транспорт воситасида ўтказилади.

Ташкилотларда техник кўриқ бошлангунга қадар барча диагностика аппаратлари текширилиши ва иш ҳолатига келтирилиши зарур.

Техника бошқа ҳудудда ишлатилаётганда унинг техник кўриги Марказ томонидан техника жойлашган ҳудудда ўтказилади ва далолатнома тузилиб, рўйхатга олинган ҳудудга юборилади ҳамда расмийлаштирилади.

3-боб. Техникаларни техник кўриқдан ўтказиш

24. Қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш техникаларини техник кўриқдан ўтказиш мазкур Низомнинг 4-иловасига мувофиқ схема бўйича амалга оширилади.

Мулкдор мазкур низомнинг 15-бандида кўрсатилган маълумотларни ва техник кўриқдан ўтиш учун белгиланган йиғим суммаси тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатни илова қилган ҳолда тегишли техникани техник кўриқдан ўтказиш бўйича Марказга ёзма ариза тақдим этади.

25. Техникаларни техник кўриқдан ўтказиш билан боғлиқ аризалар 3 иш кунидан кечиктирилмасдан кўриб чиқилади. Алоҳида ҳолларда, қўшимча маълумот олиш талаб этилган ҳолларда аризалар 10 иш кунидан кўриб чиқилади.

26. Мулкдор техникани техник кўриқдан ўтказиш учун Марказ томонидан белгиланган зарур шарт-шароитларга эга бўлган жамоавий гараж ҳудудига олиб келади, ёхуд хизмат муддатини ўтаган ва белгиланган жойларга олиб келиш қийинчилик туғдирадиган техникалар иш (фаолият) олиб борилаётган ҳудудда ёки сақланаётган жойида кўриқдан ўтказишга тайёрлайди.

27. Техник кўриқ техниканинг ҳолати ва жиҳозлари техник регламентлар ёки стандартлар талабларига, техниканинг хавфсизлик қоидалари ва нормаларига мувофиқлигини кўриб чиқишдан иборат бўлади.

Газ ёнилғисидан ишлаш учун қайта жиҳозланган техникаларни техник кўздан кечиришда газ баллонларининг фойдаланиш муддати, ишлаб чиқарилган йили, завод рақами, газ баллонларини синовдан ўтказиш муддатлари, газ баллони анжомларининг белгиланган талабларга мувофиқлиги текширилади.

28. Тиркамалар ва ярим тиркамаларнинг техник ҳолати автопоезд таркибида ва қўшимча равишда алоҳида турган ҳолатда текширувдан ўтказилади.

29. Техник кўриқдан ўтган техникаларга мазкур Низомнинг 2 ва 3-иловаларда кўрсатилган намунада 2 нусхада (Марказ ва мулкдор учун) далолатнома тузилади.

30. Далолатномага асосан мазкур Низомнинг 5 ва 6-иловаларга мувофиқ техник кўриқдан ўтганлиги тўғрисидаги талонга муҳр қўйилади ҳамда техник кўриқдан ўтказилган санаси, унинг амал қилиш муддати акс эттирилган ҳолда Марказ ходимининг имзоси билан тасдиқланади ва мулкдорга тақдим этилади.

Техниканинг техник кўриқдан ўтганлиги бўйича маълумот электрон базага киритилади.

31. Техник паспорт ёки техник гувоҳнома ўрнига дубликат берилаётганда, техника рўйхатга олинаётганда ва рўйхатдан чиқарилаётганда техник кўриқдан ўтказилганлик факти текшириб кўрилади.

Техник кўриқдан ўтганлиги тўғрисидаги талон йўқолганда (ёки яроқсизланганда) юридик ёки жисмоний шахс — мулкдорнинг ёзма аризасига кўра Марказнинг рўйхатдан (вақтинчалик рўйхатдан) ўтказилган жойдаги органи кўриқдан ўтказилганлик фактини текширади.

32. Техник кўриқ натижалари Марказнинг электрон базасида, шунингдек, Марказнинг ҳисобга олиш ҳужжатларида қайд этилади.

33. Техник ҳолати ва жиҳозлари техника хавфсизлиги талабларининг бирортасига жавоб бермайдиган техника носоз ҳисобланади ва ундан фойдаланиш тақиқланади.

Бундай техникани такрорий кўриқдан ўтказиш олдинги кўриқдан ўтказилган кундан бошлаб 10 кундан кечикмай, ушбу Низомда белгиланган тартибда ўтказилади. Бу ҳолда техник ҳолатни текшириш фақат олдинги кўриқдан ўтказишда техника хавфсизлиги талабларига мувофиқ бўлмаган кўрсаткичлар бўйича ўтказилади ва умумий қоидалар асосида йиғим ундирилади.

Техника олдинги кўриқдан ўтказиш кунидан бошлаб 20 кундан ортиқ бўлган муддатда такрорий кўриқдан ўтказишга қўйилган тақдирда техник ҳолатни текшириш тўлиқ ҳажмда ўтказилади.

4-боб. Мавсумий техник кўриқдан ўтказиш

34. Техникалар агротехник тадбирлар ва мавсумий ишлардан 20 кун олдин махсус комиссиялар томонидан мавсумий техник кўриқдан ўтказилади.

35. Махсус комиссия таркиби маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан тузилади ва тасдиқланади. Махсус комиссияга давлат ва жамоат ташкилотларидан мутахассислар жалб этилади. Мавсумолди техник кўригига техникаларни йиғиш ички ишлар органлари томонидан амалга оширилади.

36. Мавсумолди техник кўриги мавсум бошланишидан камида 10 кун олдин тўлиқ яқунланиши лозим.

37. Мавсумолди техник кўригида техникаларнинг мавсумга тайёрлиги ўрганилади ва натижалари далолатнома асосида расмийлаштирилади. Мавсумий техник кўриқдан ўтган техникаларга техник кўриқдан ўтганлиги тўғрисидаги талон берилмайди.

38. Мавсумолди техник кўриги мажбурий ҳисобланмайди ва мавсумий техник кўриқдан ўтказилган техникалардан йиғим ундирилмайди.

5-боб. Техникаларни юклашдан олдин техник кўриқдан ўтказиш

39. Маҳаллий корхоналарда ишлаб чиқарилган ёки хорижий давлатлардан импорт қилинган қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш техникалари истеъмолчига юклашдан ёхуд божхона органларида расмийлаштиришдан олдин ишлаб чиқарувчи, импортчи, харид қилувчи талабига асосан ёки назорат тартибида Техник регламент талабларига мос эканлиги бўйича техник кўриқдан ўтказилади.

40. Юклашдан олдинги техник кўрик Марказ томонидан, ишлаб чиқарувчи корхона ҳудудида ёки божхона омборида ўтказилади ва унинг якуни бўйича мазкур Низомга 7-иловасига мувофиқ далолатнома тузилиб, тегишли тартибда имзоланади ва мулкдорга тақдим этилади.

Юклашдан олдинги техник кўриқдан ўтган техникаларга техник кўриқдан ўтганлиги тўғрисидаги талон берилмайди.

41. Юклашдан олдинги техник кўриқ жисмоний шахслар томонидан хориждан келтирилади ва ўз эҳтиёжи учун фойдаланиладиган техникалар учун қўлланилмайди.

42. Юклашдан олдинги техник кўриқ белгиланган миқдорда тўловлар асосида амалга оширилади.

6-боб. Якунловчи қоидалар

43. Техник кўриқдан ўтказилганлиги тўғрисидаги штамп намунаси Марказ томонидан тасдиқланади. Штампларни тайёрлаш ва таъминлаш Марказ томонидан амалга оширилади.

44. Техник кўриқдан ўтказилганлиги тўғрисидаги талон қатъий ҳисобда турадиган бланка ҳисобланади, уни тайёрлаш, сақлаш, сарфлаш ва ҳисобга олиш белгиланган тартибда Марказ томонидан амалга оширилади.

Талон бланкаларини тайёрлаш харажатларини маблағ билан таъминлаш марказлаштирилган тартибда Марказнинг йиғимлардан тушган маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

45. Техникаларни рўйхатга қўйиш, рўйхатдан чиқариш, ҳисобдан чиқариш ва техник маълумотнома (ТМ-1) шаклидаги маълумотномалар беришда техникалар Марказ томонидан белгиланган жойда, одатдаги техник кўриқдан ўтказилади ва мажбурий техник кўриқдаги миқдорда тўлов ундирилади.

Техникаларни техник кўриқдан ўтказиш билан боғлиқ давлат хизматлари Инспекция бошлиғининг буйруғига асосан тўғридан-тўғри масъул инспекторлар томонидан ҳам кўрсатилиши мумкин.

46. Техникаларни техник кўриққа узри сабабларсиз олиб келмаган ёки техник кўриқдан бўйин товлаган, техник кўриқдан ўтмаган техникани бошқарган, бошқаришга рухсат берган шахслар қонунчиликда назарда тутилган жавобгарликка тортилади.

Қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш техникаларини техник кўриқдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга

1-ИЛОВА

«Тасдиқлайман»

Инспекциянинг _____ бўлими
_____ бошлиғи

20__ йил «__» _____

_____ вилояти (шаҳри), _____ туманида қишлоқ хўжалиги,
мелиорация ва йўл-қурилиш техникаларини мажбурий техник кўриқдан ўтказиш режаси

Т/р	Техниканинг номи	Техника русуми	Техник кўриқдан ўтказиш муддати	Техник кўриқдан ўтказиш манзили	Техник кўриқдан ўтказиш санаси
1.	(юримдик ёки жисмоний шахс номи)				

1.1					
1.2					
1.3					
...					

Марказ
ходими

(имзо)

(Ф.И.О.)

Қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш техникаларини техник кўриқдан ўтказиш тартиби
тўғрисидаги **низомига**
2-ИЛОВА

_____ вилояти (шаҳри), _____ туманида қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва
йўл-қурилиш техникаларини алоҳида (биттасини) техник кўриқдан ўтказиш
ДАЛОЛАТНОМАСИ

Тузилган санаси: 20 ____ йил « ____ » _____

Техник кўриқ _____ томонидан ўтказилди

(Ф.И.О.)

1. Техниканинг русуми,
моделли _____

2. Тури _____

3. Ранги _____

4. Ишлаб чиқарилган йили _____

6. Шасси (рама)
рақами _____

7. Двигатель
рақами _____

8. Кузов
рақами _____

9. Рўйхатдан ўтказиш
тўғрисидаги гувоҳномаси
(техник паспорти) серияси,
рақами _____

5. Давлат рақам белгиси _____

10. Техника

_____ (юрidik
шахснинг тўлиқ
номи, _____ га қаршли

якка тартибдаги транспорт воситаси эгасининг Ф.И.О.)

11. Жойлашган жойи (турар жойи) _____

12. Қуйидаги техник носозликлар аниқланди: _____

13. Техниканинг ҳолати _____

14. Мавжуд камчиликлар _____

15. Мотосоат ҳолати _____

16. Техник ҳолати тўғрисида хулоса _____

(техник жиҳатдан соз,
носоз)

Марказ
ходими

М.Ў. (имзо)

(Ф.И.О.)

Далолатнома нухасини олдим ва техник кўриқдан ўтмаган техникалардан фойдаланиш тақиқланиши ҳамда носоз техникадан фойдаланиш, фойдаланишга рухсат бериш МЖТКнинг тегишли моддалари билан маъмурий жавобгарликни келтириб чиқариши тўғрисида огоҳлантирилдим:

(имзо, Ф.И.О., юридик шахснинг номи, лавозими ёки жисмоний шахснинг Ф.И.О.)

Қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш техникаларини техник кўриқдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга
3-ИЛОВА

_____ вилояти (шаҳри), _____ туманида қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш техникаларини тақдим этилаётган техникалар тўғрисидаги
ДАЛОЛАТНОМА

Тузилган санаси: 20__ йил «__» _____ 20__ йил «__» _____

Техникаларни техник кўриқ учун тақдим этган юридик шахснинг номи ёки жисмоний шахснинг Ф.И.О.: _____

ИНН: _____

Т/р	Техника-нинг номи	Русуми	Техник паспорти ёки техник гувоҳномаси (инвентар) рақами	ДРБ рақами ва серия-си	Техника ранги	Ишлаб чиқарилган давлати	Ишлаб чиқарилган йили	Агрегатлар рақами			Ёнилғи тўлиқ исми (бензин, дизел, газ, табиий газ, суюлтирилган газ)
								завод рақами	двигатель	шасси (рама)	
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
1.											
2.											
3.											
...											

Ташкилот балансида _____ та техника мавжуд.

Ташкилот раҳбари (мулк эгаси): _____

(имзо, лавозими, ташкилот номи ва раҳбарининг Ф.И.О, жисмоний шахснинг Ф.И.О., паспорт маълумотлари)

Рўйхатда кўрсатилган техника билан таққослаган Марка:

(имзо)

Масъул ҳисобчи _____

(имзо, Ф.И.О.)

М.Ў.

ТЕХНИК КЎРИК НАТИЖАЛАРИ

Ташкилот (мулк эгаси) _____ хисобида _____ та _____ та мелиоратив техника, _____ та йўл-қурилиш, _____ та ўзиюрар машиналар, _____ та тиркама, ярим тиркамалар, жами _____ та қишлоқ хўжалиги, _____ та техника, _____ та йўл-қурилиш, _____ та ўзиюрар машиналар, _____ та тиркама, ярим тиркамалар, жами _____ та техника техник жиҳатдан носоз деб топилди.

Техникалар текширилганда _____ та қишлоқ хўжалиги, _____ та мелиоратив техника, _____ та йўл-қурилиш, _____ та ўзиюрар машиналар, _____ та тиркама, ярим тиркамалар, жами _____ та техника техник жиҳатдан носоз деб топилди.

Шу жумладан:

___ та техниканинг Техник регламент талабларига мос бўлмаган конструкциясидаги ўзгартириш мавжудлиги;

___ та техниканинг техника ва ёнғин хавфсизлиги талабларига жавоб бермаслиги;

___ та техниканинг двигатель қисмининг носозлиги;

___ та техниканинг тормоз тизимининг носозлиги;

___ та техниканинг руль бошқарувидаги носозликлар;

___ та техниканинг ташқи ёритиш приборларидаги носозликлар;

___ та техникада фойдаланиш учун яроқсиз қисмлар мавжудлиги;

___ та техниканинг ишланган газида зарарли моддалар мавжудлиги ва уларнинг тутунлиги белгиланган нормалардан ортиқ

Ҳисобдаги техникалардан ___ таси бензин ёнилғиси билан, ___ таси дизель ёнилғиси, ___ таси суюлтирилган газ, ___ таси сиқилган

Бензинда ишлайдиган текширилган ___ та техникадан ___ таси, дизель ёнилғисида ишлайдиган ___ тасидан ___ таси, сиқилган

нефть газида ишлайдиган ___ дан ___ таси носоз деб топилди.

___ та техник ҳолати носоз техниканинг Техник паспорти ёки Техник гувоҳномаси олиб қўйилганлиги, ДРБ ечиб олинганлиги

Табиий ва суюлтирилган газда ишлайдиган техникалар жиҳозларни ўрнатган ташкилот томонидан берилган ишга яроқлилиги ўтказилади. Корхона маълумотномада қайд этилган кўрсаткичларга масъулдир.

Мажбурий техник кўриқдан ўтмаган техникалар қайта техник кўриқдан 20 ___ йил « ___ » ___ да ўтказилади.

Марказнинг

ходими

М.Ў.

(имзо)

(Ф.И.О.)

Далолатнома нусхасини олдим ва техник кўриқдан ўтмаган техникалардан фойдаланиш тақиқланиши ҳамда носоз техникадан бериш **МЖТКнинг** тегишли моддалари билан маъмурий **жавобгарликни келтириб чиқариши** тўғрисида **огоҳлантирилдим:** _____

Қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш техникаларини техник кўриқдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги **низомга**

4-ИЛОВА

Қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш техникаларини техник кўриқдан ўтказиш

СХЕМАСИ

Субъектлар	Тадбирлар	Муддатлар
Юридик ва жисмоний шахслар	Мазкур Низомнинг 15-бандида кўрсатилган хужжатларни ва техник кўриқдан ўтиш учун белгиланган йиғим суммаси тўланганлигини тасдиқловчи хужжатни илова қилган ҳолда техникани техник кўриқдан ўтказиш бўйича ёзма ариза тақдим этиш	Графика асосан мурожаат қилган
Юридик ва жисмоний шахслар	Техникани техник кўриқдан ўтказиш учун белгиланган махсус майдончаларга олиб келиш	Ариза тақдим этилгандан сўн 2 кун давомида
Марказ	Техникани техник кўриқдан ўтказиш ва мазкур Низомга 3 ва 4-иловаларда кўрсатилган намунада далолатнома тузиш, 5 ва 6-иловаларда кўрсатилган намунадаги талонни тасдиқлаш ва техниканинг эгасига тақдим этиш	Ариза тақдим этилгандан сўн 3 кун давомида
Марказ	Техникани техник кўриқдан ўтказиш давомида алоҳида ҳолатлар юзага келганда (Низомнинг 15-бандида кўрсатилган маълумотлардан ташқари) қўшимча маълумотларни олиш ва қайта техник кўриқдан ўтказиш	Ариза тақдим этилгандан сўн 10 кун давомида
Марказ	Техник кўриқдан ўтган техникалар бўйича маълумотларни Марказнинг электрон базасига киритиш	Техник кўриқдан ўтказилган кун
Ички ишлар бўлимлари	Агротехник тадбирлар ва мавсумий ишлардан олдин техникаларни мавсумолди техник кўригидан ўтказиш учун белгиланган махсус майдончаларга йиғиш ва техник кўриқка тайёрлаш	Мавсумий ишлардан 20 кун олдин
Марказ	Агротехник тадбирлар ва мавсумий ишлардан олдин техникаларни мавсумолди техник кўригидан ўтказиш	Мавсумий ишлардан 10 кун олдин
Юридик ва жисмоний шахслар	Маҳаллий корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган ёки импорт қилинган техникаларни истеъмолчиларга юклаш ёки божхона органларида расмийлаштиришдан олдин буюртмага асосан, назорат тартибида техник кўриқдан ўтказиш учун йиғим суммаси тўланганлигини тасдиқловчи хужжатни илова	Келиб тушиши кўра

Қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш техникаларини техник кўриқдан ўтказиш тартиби
тўғрисидаги **низомига**
5-ИЛОВА

**Трактор, тиркама, ўзиюрар қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш
техникаларининг техник кўриқдан ўтганлиги тўғрисидаги талон**

НАМУНАСИ
(олд томони)

TRAKTOR, TIRKAMA, O'ZIYURAR QISHLOQ XO'JALIGI, MELIORASIYA VA YO'L-QURILISH TEXNIKALARINI TEXNIK KO'RIKDAN O'TGANLIGI TO'G'RISIDA TALON	
2019	
00 UZ-TR № 000000	
Texnikaning nomi _____	_____
Texnikaning rusumi _____	_____
Texnik pasport raqami _____	_____
Davlat raqam belgisi _____	_____

(орка томони)

O'tkazilgan texnik ko'rik natijasi _____
Texnik ko'rik o'tkazilgan sana "____" _____ 20__ й. <small>(soz/nosoz)</small>
Navbatdagi texnik ko'rik sanasi "____" _____ 20__ й.
Alohida belgilari _____

Markazning _____ xodimi
_____ (F.I.O.) _____ (imzo) _____ M.O'.

**Трактор, тиркама, ўзиюрар қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш
техникаларининг техник кўриқдан ўтганлиги тўғрисидаги талон**

ТАВСИФИ

Техник кўриқдан ўтганлиги тўғрисидаги талон тўртбурчак шаклидаги, ўлчамлари 54 x 86 мм бўлган, зичлиги бир квадрат метрга 140+/-5 граммли 100% пахтадан олинган оч пушти рангли қоғоздан тайёрланади. Қоғоз қатлами орасига жойлашган, ультрабинафша нурда кўринадиган кўк ва оч яшил рангли тола ҳамда нурда яхши ажралиб турадиган «пахта чаноғи» кўринишидаги умумий «сув белги»си мавжуд.

Офсетли ёзув, минтақа коди, серияси-тўрт ҳарфли, номери-олти рақамли.

Бланка куйидаги махсус ҳимояга эга:

кимёвий таъсирга бардошли бўёқдан фойдаланилади, юза қисмидаги катакларда нусха олишга ва сканер қилишга қарши ингичка чизиқлар мавжуд. Бир рангдан бошқа

рангга расм чизиқлари бузилмасдан оҳиста жилоланиши таъминланган. Жуда катталаштирилганда микроматн кўринади, ультрабинафша нурда кўринмайдиган тасвирлар ва олтига рақамли сон кўринади. Махсус қабарик ва ўйиқлар мавжуд.

Лотин алифбосидаги давлат тилидаги матндан фойдаланилган.

Олд томонида техниканинг русуми, давлат рўйхатидан ўтказиш рақами белгиси ҳамда орқа фонида техник кўрик ўтказилган йил яшил рангда (ҳар йили ўзгаради) кўрсатилади.

Талоннинг орқа томонида ўтказилган техник кўрик натижаси, жорий ва навбатдаги техник кўриқдан ўтиш санаси кўрсатилади.

Талондаги ёзувлар Марказ ходими томонидан амалга оширилади ҳамда унинг имзоси ва махсус штампи билан тасдиқланади.

Қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш техникаларини техник кўриқдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги **низомга**

6-ИЛОВА

Қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш машиналари, агрегатлари ҳамда ускуналарнинг техник кўриқдан ўтганлиги тўғрисидаги талон

НАМУНАСИ

(олд томони)

QISHLOQ XO'JALIGI, MELIORASIYA VA YO'L-QURILISH MASHINA VA AGREGATLARNI TEXNIK KO'RIKDAN O'TGANLIGI TO'G'RISIDA TALON	
00 UZ-TG № 000000	
Texnikaning nomi	_____
Texnikaning rusumi	_____
Texnik guvohnoma raqami	_____

(орқа томони)

O'tkazilgan texnik ko'rik natijasi _____
<small>(soz/nosoz)</small>
Texnik ko'rik o'tkazilgan sana "____" _____ 20__ й.
Navbatdagi texnik ko'rik sanasi "____" _____ 20__ й.
Alohida belgilari _____

Markazning _____ xodimi
_____ (F.I.Sh.) _____ (imzo) _____ M.O'.

Қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш машиналари, агрегатлар ҳамда ускуналарнинг техник кўриқдан ўтганлиги тўғрисидаги талон

ТАВСИФИ

Техник кўриқдан ўтганлиги тўғрисидаги талон тўртбурчак шаклидаги, ўлчамлари 54 x 86 мм бўлган, зичлиги бир квадрат метрга 140+/-5 граммли 100% пахтадан олинган оч ҳаво рангли қоғоздан тайёрланади. Қоғоз қатлами орасига жойлашган, ультрабинафша нурда кўринадиган кўк ва оч яшил рангли тола ҳамда нурда яхши ажралиб турадиган «пахта чаноғи» кўринишидаги умумий «сув белги»си мавжуд.

Офсетли ёзув, минтақа коди, серияси — икки ҳарфли, номери — олти рақамли.

Бланка қуйидаги махсус ҳимояга эга:

кимёвий таъсирга бардошли бўёқдан фойдаланилади, юза қисмидаги катакларда нусха олишга ва сканер қилишга қарши ингичка чизиқлар мавжуд. Бир рангдан бошқа рангга расм чизиқлари бузилмасдан оҳиста жилоланиши таъминланган. Жуда катталаштирилганда микроматн кўринадиди, ультрабинафша нурда кўринмайдиган тасвирлар ва олтита рақамли сон кўринадиди. Махсус қабарик ва ўйиқлар мавжуд.

Лотин алифбосидаги давлат тилидаги матндан фойдаланилган.

Олд томонида техниканинг русуми, давлат рўйхатидан ўтказиш рақами белгиси ҳамда орқа фонда техник кўриқ ўтказилган йил пушти рангда (ҳар йили ўзгаради) кўрсатилади.

Талоннинг орқа томонида ўтказилган техник кўриқ натижаси, жорий ва навбатдаги техник кўриқдан ўтиш санаси кўрсатилади.

Талондаги ёзувлар Марказ ходимлари томонидан амалга оширилади ҳамда унинг имзоси ва махсус штампи билан тасдиқланади.

Қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш техникаларини техник кўриқдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги **низомга**

7-ИЛОВА

_____ вилояти (шаҳри), _____ туманида
қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш техникаларини юклашдан
олдин техник кўриқдан ўтказиш
ДАЛОЛАТНОМАСИ

Т/р	Техниканинг номи	Техника русуми	Юклашдан олдин техник кўриқдан ўтказилган сана	Юклашдан олдин техник кўриқ ўтказилган манзил	Техник регламент талабларига мослиги (мос, мос эмас)
1.					
2.					
3.					
...					

Техник регламент талабларига мос ёки мос эмаслиги тўғрисида маълумотлар: _____

Хулоса: _____

Марказ ходими _____

М.Ў

(имзо)

(Ф.И.О.)

Ишлаб чиқарувчи ёки импорт қилувчи ташкилот манзили: _____

Ишлаб чиқарувчи ёки импорт қилувчи ташкилот раҳбари: _____

Харид қилувчи ташкилот манзили: _____

Харид қилувчи ташкилот раҳбари: _____

Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 17 апрелдаги 325-сон қарорига
2-ИЛОВА

Қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш техникаларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисида

НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш техникалари ҳамда ўзиюрар машиналарнинг (кейинги ўринларда техника деб аталади) давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини белгилайди.

2. Техникаларни давлат рўйхатидан ўтказишни назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси (кейинги ўринларда Инспекция деб аталади) томонидан, давлат рўйхатидан ўтказиш бўйича хизматлар Инспекция ҳузуридаги «Агросаноат мажмуида хизматлар кўрсатиш маркази» давлат унитар корхонаси (кейинги ўринларда Марказ деб аталади) томонидан мазкур Низомга мувофиқ амалга оширилади.

3. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

техниканинг эгаси — техника воситасига мулк ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқлар асосида эгаллик қилувчи юридик ёки жисмоний шахс (кейинги ўринларда мулкдор деб аталади);

техникаларни вақтинчалик рўйхатдан ўтказиш — техникани вақтинчалик ҳисобга қўйиш, рўйхатдан ўтказиш ҳақида вақтинчалик техник паспорт ёки техник гувоҳнома ва давлат рақами белгисини бериш;

давлат рақами белгиси (кейинги ўринларда ДРБ деб аталади) — мазкур Низомга 5-иловада белгиланган намунада техникани давлат рўйхатидан ўтказишни ҳисобга олиш учун ҳудудий кодлар ва давлат рақамлари белгиларининг типларига мувофиқ бериладиган махсус рақамли белги;

техникаларни давлат рўйхатидан ўтказиш — техникани доимий ҳисобга қўйиш, техникани рўйхатдан ўтказиш ҳақидаги гувоҳнома ва ДРБни бериш;

рўйхатга олиш жойи — техникаларни давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширувчи Марказнинг жойлашган жойи;

техникаларни қайта рўйхатдан ўтказиш — тегишли ҳуқуқий асослар мавжуд бўлганда техниканинг рўйхатдан ўтказиш ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш;

техникани қайта жиҳозлаш — бошқа модель ва модификациялар агрегат ва узеллари, эҳтиёт қисмлар ва бутловчи деталлардан фойдаланган ҳолда техниканинг таркибий қисмлари элементлари ва тузилишига ўзгартиришлар киритиш;

давлат рўйхатидан ўтказиш тадбирлари — конун ҳужжатларига мувофиқ Марказ томонидан техникаларни рўйхатдан ўтказиш, вақтинчалик рўйхатдан ўтказиш, қайта рўйхатдан ўтказиш ва уларни ҳисобдан чиқариш, шунингдек, техникаларни рўйхатга олиш ҳақида гувоҳнома ва ДРБни беришдан иборат давлат рўйхатидан ўтказиш бўйича ҳаракатлар комплекси;

рўйхатдан ўтказиш ҳужжати — техникадан фойдаланишга ҳуқуқ берилганлигини тасдиқловчи, яъни рўйхатдан ўтказиш ҳақида техник паспорт, техник гувоҳнома, шунингдек, техникани рўйхатдан ўтказиш китоби;

қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш техникалари — қишлоқ ва ўрмон хўжалигига мўлжалланган барча турдаги тракторлар (ғилдиракли, занжирли ва ярим занжирли); ўзиюрар машиналар (ўзиюрар қишлоқ хўжалиги машиналари, ўзиюрар мелиоратив ҳамда йўл-қурилиш техникалари); трактор тиркамалари; қишлоқ хўжалиги, йўл-қурилиш, мелиоратив ва бошқа мақсадларга мўлжалланган тупрокқа ва экинларга ишлов берувчи, юк ортувчи, дон ва уруғни қайта ишлашга мўлжалланган машиналар, чорвачилик, паррандачилик ва ем-хашак ишлаб чиқариш машиналари ва технологик ускуналари, сув насослари, кичик механизация мосламалари.

4. Техникаларни давлат рўйхатидан ўтказиш бўйича хизматлар Марказнинг туман (шаҳар) бўлимлари томонидан амалга оширилади.

Мазкур қарорга **5-илова** билан тасдиқланаётган «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси томонидан назорат қилинадиган ва мажбурий техник кўрикка жалб этиладиган қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш техникалари, таъмирлаш ва сервис асбоб-ускуналари турларининг рўйхати»даги барча техника ва ускуналар давлат рўйхатидан ўтказилади.

5. Техникаларни давлат рўйхатидан ўтказишда бериладиган ҳамда мазкур Низомга **1-иловадаги** намунада ва таснифга мос техник паспорт ҳамда **2-иловадаги** намунада ва таснифга мос техник гувоҳнома Марказ томонидан пластик шаклда тайёрланади.

6. Техникаларнинг тузилмаси техник тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳуқуқий-ҳужжатлар, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 18 мартдаги 80-сон қарори билан тасдиқланган «**Қишлоқ хўжалиги техникалари конструкциясининг хавфсизлиги тўғрисидаги умумий техник регламент**» (кейинги ўринларда Техник регламент деб аталади), шунингдек, техника хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги меъёрий ҳужжатлар талабларига мос келиши лозим.

7. Техникага мулк ҳуқуқи асосида эгаллик қилувчи шахс (бундан буён мулкдор деб аталади) ёки унинг вакили техникага мулк ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқлар пайдо бўлиши, ўтиши, чекланиши ва тугатилиши кунидан ёки техниканинг ҳуқуқий ҳолати ўзгаришидан бошлаб ўн кун ичида мазкур Низомнинг **19** ва **20-бандларига** мувофиқ Марказда техник кўриқдан ўтказиш учун техникани, унинг техник ҳолатидан қатъи назар ва мазкур Низомда назарда тутилган ҳужжатларни тақдим этган ҳолда мурожаат қилиши зарур. Агар мурожаат қилиш муддатининг охиригача куни дам олиш, байрам ва бошқа иш куни бўлмаган кунларга тўғри келса, ундан кейинги биринчи иш куни муддатнинг тугаган куни ҳисобланади.

Техникани қайта рўйхатдан ўтказишга олиб келувчи барча ҳолатларда у Марказ томонидан белгиланган тартибда техник кўриқдан ўтказилади.

Техник кўриқдан ўтказишда техниканинг типи, русуми, модели, ДРБ, идентификацияловчи шассиси (рама), кузови ва двигатель рақамининг рўйхатдан ўтказиш ҳужжатларида кўрсатилган маълумотларга тўғри келиши солиштирилади.

8. Ўзи ҳаракатланувчи қурилма (двигатель)га эга бўлган қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл қурилиш техникалари бошқа шахсга ўтказилиши ҳақида битимлар нотариус томонидан тасдиқланишидан олдин техника рақам агрегатлари ва бошқа техник параметрларнинг рўйхатдан ўтказиш маълумотларга мос келиши предмети юзасидан текширилиши учун битим амалга оширилган ёки техника рўйхатдан ўтган жой бўйича Марказга тақдим этилиши зарур.

9. Рўйхатдан ўтказиш ҳаракатларини амалга оширишда, шунингдек, нотариус томонидан битимларнинг тасдиқланишидан олдин кўриқдан ўтказишда техникани рўйхатдан ўтказиш ҳужжатларидаги маълумотларда шубҳали ҳолатлар аниқланганда ички ишлар бўлимига белгиланган тартибда сўровнома юборилади, техника бошқа шахсга ўтказилишига тақиқ ёки хатловнинг мавжудлиги юзасидан текширилади.

10. Кўтарувчи механизмлар билан жиҳозланган техникалар (ўзинюраркранлар)га нисбатан рўйхатдан ўтказиш ҳаракатлари, улар Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси томонидан ҳисобга қўйилгандан (ҳисобдан чиқарилгандан) сўнг амалга оширилади.

11. Давлат рўйхатидан ўтган техникалар ва уларнинг эгалари тўғрисидаги маълумотлар қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолатларда суриштирув, дастлабки тергов ва суд органларига тақдим этилиши мумкин.

12. Марказ техникаларнинг техник ҳолати, хавфсизлик талабларига жавоб беришини баҳолаш бўйича ишларни ташкил этиш, шунингдек, иш юритишни олиб бориш Марказ бошлиғи томонидан тасдиқланган тартибга асосан амалга оширилади.

2-боб. Техникаларни давлат рўйхатидан ўтказиш

13. Қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш техникаларини давлат рўйхатидан ўтказиш мазкур Низомга **3-иловага** мувофиқ схема бўйича амалга оширилади.

Мулкдор мазкур Низомнинг **21-бандида** кўрсатилган ҳужжатларни ва техникани давлат рўйхатидан ўтказиш учун белгиланган йиғим суммаси тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатни илова қилган ҳолда Марказга ёзма ариза тақдим этади.

Техникаларни рўйхатдан ўтказиш билан боғлиқ аризалар 3 кундан кечиктирмасдан кўриб чиқилади.

14. Техникаларни рўйхатга олишни асосли рад этиш Марказга мурожаат қилинган кундан бошлаб 2 кун ичида амалга оширилади.

15. Техникалар давлат рўйхатидан ўтказилганда мулкдорга Марказ томонидан ДРБ ва техникани давлат рўйхатидан ўтказганлик тўғрисида техник паспорт ёки техник гувоҳнома берилади.

Олдин берилган техникани рўйхатдан ўтказганлик тўғрисидаги ҳужжат ва ДРБ, шунингдек, чет эл ҳужжатлари ва рўйхатдан ўтиш рақамли белгилари мавжуд бўлса Марказга топширилади.

16. Техника давлат рўйхатидан ўтказилганда Марказнинг техникаларни рўйхатдан ўтказиш китобига ва электрон базага техниканинг агрегат рақами ва бошқа техник параметрлари ҳамда мулкдор тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек, унинг яшаш (турар) жойи киритилади.

Мулкдорнинг доимий манзили ўзгарганда техника 10 кун муддатда Марказдан рўйхатдан чиқарилиб, янги манзилда рўйхатдан ўтказилиши шарт.

17. Техникаларни давлат рўйхатидан ўтказиш Марказ томонидан қуйидаги ҳолатларда амалга оширилади:

а) Марказда рўйхатдан ўтказилмаган янги техника олинганда;

б) Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига киритилган техникалар, уларнинг тиркамалари ва ярим тиркамалари эркин айланиши учун (импорт) божхона режимида божхона рўйхатидан ўтказилишида;

в) олдин Марказда рўйхатдан ўтган техниканинг эгаси ўзгарганда;

г) техниканинг рўйхатдан ўтган жойини ўзгартиришни талаб қилувчи, мулкдорнинг яшаш жойи ёки жойлашган манзили ўзгарганда.

18. Техника мулкдор ҳисобланувчи жисмоний ёки юридик шахснинг номига давлат рўйхатидан ўтказилади.

Юридик шахс ташкил этмасдан фаолиятини амалга оширувчи яқка тартибдаги тадбиркорлар, деҳқон хўжаликлари, оилавий тадбиркорлик субъектларига тегишли бўлган техникани давлат рўйхатидан ўтказиш ушбу Низом талабларига мувофиқ амалга оширилади.

19. Жисмоний шахсларнинг техникалари уларнинг доимий ёки вақтинчалик яшаш жойида давлат рўйхатидан ўтказилади.

Техникалар 18 ёшга тўлган муомалага лаёқатли жисмоний шахсларнинг номига давлат рўйхатидан ўтказилади. Мерос, васиятнома, ҳадя (мукофот) ёки қонунда белгиланган тартибда оммавий ўйинларда ютиб олинган техникалар вояга етмаган шахслар номига давлат рўйхатидан ўтказилиши мумкин.

20. Юридик шахсларнинг техникаларини давлат рўйхатидан ўтказиш юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказиш гувоҳномасида кўрсатилган юридик манзили бўйича амалга оширилади.

Юридик мақомга эга бўлмаган филиаллар, алоҳида бўлинмалар ихтиёрида бўлган техникалар уларнинг жойлашган жойи бўйича рўйхатга қўйилиши мумкин.

21. Техникани давлат рўйхатидан ўтказиш учун мулкдор ёки унинг вакили Марказга қуйидаги ҳужжатларни топширади:

техника мулкдори ёки унинг вакилини белгиланган намунадаги аризаси — ушбу Низомга 4-иловага мувофиқ — юридик шахслар учун, 5-иловага мувофиқ — жисмоний шахслар учун;

мулкдор ёки унинг вакили шахсини тасдиқловчи ҳужжат;

техниканинг аввалги мулкдорга берилган техникани рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги техник паспорти ёки техник гувоҳномаси;

техникага бўлган мулк ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат;

рўйхатга олиш билан боғлиқ йиғимларнинг тўлаганлигини тасдиқловчи ҳужжат.

22. Мулкдор ёки унинг вакили шахсини тасдиқловчи ҳужжатларга қуйидагилар қиради:

а) жисмоний шахслар учун — жисмоний шахснинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат:

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун — фуқаролик паспорти;

16 ёшга тўлмаган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун — туғилганлик ҳақида гувоҳнома;

Ўзбекистон Республикаси ҳарбий хизматчилари учун — ички ишлар органларининг рўйхатдан ўтказилганлик тўғрисидаги ёки ҳарбий қисмларнинг уй ажратиш

тўғрисидаги маълумотномасини илова қилган ҳолда ҳарбий қисм ёки ҳарбий муассасалар кўмондонлиги томонидан бериладиган шахсни тасдиқловчи ҳужжат ёки ҳарбий билет (ҳарбий хизматга мажбур фуқароларнинг ҳарбий билетлари бундан мустасно);

чет эл фуқаролари учун — Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномаси ёки ички ишлар органининг доимий ёки вақтинчалик рўйхатдан ўтказилган жойи тўғрисидаги белгиси қўйилган чет эл фуқаросининг миллий паспорти ёхуд дипломатик паспорти ёки Ўзбекистон Республикасида аккредитациядан ўтганлигини тасдиқловчи тегишли ҳужжат;

фуқаролиги бўлмаган шахслар учун — фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг шахсини тасдиқловчи ички ишлар органларининг доимий ёки вақтинчалик рўйхатдан ўтказилган жойи ҳақидаги белгиси қўйилган Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномаси;

б) жисмоний шахсларнинг вакили учун:

нотариус томонидан тасдиқланган жисмоний шахснинг вакили ваколатларини тасдиқловчи ишончнома ёки жисмоний шахс қонуний вакили ваколатларини тасдиқловчи ҳужжат;

вакил шахсини тасдиқловчи ҳужжат (мазкур банднинг «а» кичик бандида кўрсатилган ҳужжатлар);

в) юридик шахслар учун:

юридик шахснинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси;

юридик шахснинг раҳбари (директор, раис) томонидан имзоланган ва унинг муҳри билан тасдиқланган (муҳри мавжуд бўлган тақдирда) юридик шахс вакили ваколатларини тасдиқловчи ишончнома;

вакил шахсини тасдиқловчи ҳужжат (мазкур банднинг «а» кичик бандида кўрсатилган ҳужжатлар).

23. Техникага бўлган мулк ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқларни тасдиқловчи ҳужжатларга қуйидагилар киради:

меросга бўлган ҳуқуқ ёки мулкый ҳуқуқлар тўғрисида нотариус томонидан берилган гувоҳнома;

васиятнома;

суднинг қарори;

нотариус томонидан тасдиқланган шартнома (олди-сотди, айирбошлаш, ҳадя, рента ва бошқалар);

ишлаб чиқарувчи ёки махсус савдо ташкилоти (техникани ишлаб чиқарувчи корхона, унинг вакили ёки воситачи ташкилоти) томонидан бериладиган шартнома ва ҳисоб-маълумотнома;

Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси туман (шаҳар) бўлимларининг давлат ижрочилари ҳудудий бошқармаларининг давлат ижрочилари ҳамда аукцион ўтказиш ваколатига эга бошқа ташкилотлар томонидан ташкил этилган аукционларда техникаларга эга бўлишни тасдиқловчи аукцион натижалари тўғрисидаги баённома;

юқори турувчи давлат органининг техникани бир тизим ичида текинга бериш тўғрисидаги қарори (буйруғи, фармойиши);

юридик шахснинг юқори турувчи бошқарув органининг юридик шахснинг устав жамғармасига техникани киритиш тўғрисида ёки шу юридик шахснинг иштирокчисига

(таъсисчи, аъзо) юридик шахснинг техникани дивиденд сифатида тўлаш тўғрисидаги қарори (иштирокчилар, таъсисчилар, аъзолар) умумий йиғилишининг баённомаси ёки ягона иштирокчининг қарори);

давлат божхона хизмати органи томонидан берилган божхона юк декларацияси;
шахснинг техникани оммавий ўйинда (лотереяда) ютганлигини тасдиқловчи ҳужжат;

давлат органининг техникани мукофот (ҳадя) сифатида тақдим этганлиги тўғрисидаги қарорининг нусхаси.

Мулк ва бошқарув шаклидан қатъи назар барча қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш техникаларининг олди-сотди шартномалари нотариал идоралар орқали амалга оширилади.

24. Тугатилган юридик шахсларнинг техникалари янги ташкил этилган юридик шахсларнинг устав жамғармасига ўтганда, техникаларни давлат рўйхатига олишда унинг ҳуқуқий ворислигини тасдиқловчи ҳужжатга — юридик шахснинг устави ёки таъсис шартномаси киради.

25. Техника суд қарори асосида мусодара қилинганда, етказилган зарарни қоплашга қаратилганда, бошқа шахс ёки давлат эгалигига ўтказилганда давлат рўйхатидан ўтказиш суд қарори ёки аукцион натижалари тўғрисидаги баённома асосида амалга оширилади.

Техниканинг рўйхатда туриш жойини ўзгартиришга олиб келадиган мулкдорнинг яшаш (турар) жойи ёки жойлашган жойи (почта манзили) ўзгариши муносабати билан техникани давлат рўйхатидан ўтказишда, мазкур Низомнинг 23-банди **бешинчи хатбошида** келтирилган техникага бўлган мулк ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқларни тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этиш талаб этилмайди.

26. Давлат рўйхатидан ўтказилган барча турдаги тракторлар (ғилдиракли, занжирли ва ярим занжирли), ўзиюрар машиналар (ўзиюрар қишлоқ хўжалиги машиналари, ўзиюрар мелиоратив ҳамда йўл-қурилиш техникалари), трактор тиркамаларига техник паспорт берилади;

техник паспорт берилмайдиган қишлоқ хўжалиги, йўл-қурилиш, мелиоратив ва бошқа мақсадларга мўлжалланган тупроққа ва экинларга ишлов берувчи, юк ортувчи, дон ва уруғни қайта ишлашга мўлжалланган машиналарга, чорвачилик, паррандачилик ва ем-хашак ишлаб чиқариш машиналари ва технологик ускуналарига, кичик механизация мосламаларига техник гувоҳнома берилади.

27. Марказда қуйидаги техникалар давлат рўйхатидан ўтказилмайди:

фақат конларда, шахта ва карьерларда қўлланиладиган махсус техникалар;

Ички ишлар органларида рўйхатга олинган транспорт воситалари;

трамвай ва троллейбуслар;

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигига тегишли бўлган ҳарбий ва бошқа техникалар.

Қуйидаги ҳолатларда Марказ томонидан техникани давлат рўйхатига қўйиш рад этилади:

а) мазкур Низомда белгиланган тегишли ҳужжатлар тақдим этилмаганда;

б) техника хизмат муддатини ўтаб бўлгани ва фойдаланишга яроқсизлиги туфайли ҳисобдан чиқарилган бўлса;

в) техника конструкциясига киритилган ўзгартиришлар техник тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига, техника хавфсизлигини таъминлаш нормаларга жавоб бермайдиган бўлса;

г) техник регламентга мос бўлмаган эҳтиёт қисмлар ва агрегатлардан тайёрланган ва йиғилган бўлса;

д) техникага ишлаб чиқарувчи томонидан қўйилган идентификация тамғасини яшириш, сохталаштириш, ўзгартириш, йўқ қилиш аломатлари ёхуд тақдим этилган ҳужжатларнинг сохталаштирилиши, тақдим этилган ҳужжатларда ёки рўйхатга доир ҳужжатларда кўрсатиб ўтилган маълумотларга техника ва рақам агрегатларининг номувофиқлиги аниқланганда;

е) техниканинг рақамланган агрегати қидирувда эканлиги ёки тақдим этилган ҳужжатларнинг йўқолганлиги (ўғирланганлиги) тўғрисида маълумотлар мавжуд бўлганда.

Мазкур банднинг «д» ва «е» кичик бандларида кўрсатилган ҳолатлар аниқланганда Марказ томонидан тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига хабар берилади.

Мулқдор ёки унинг вакили техникани давлат рўйхатидан ўтказишга рад этиш асосларини бартараф этиб, қайта мурожаат қилишга ҳақли. Бундай ҳолда йиғимлар ундирилмайди.

3-боб. Техникаларни давлат рўйхатидан ўтказишда давлат рақами белгиларини бериш

28. Қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш техникалари, ўзиюрар машиналар ҳамда тиркамаларга орқа қисмига жойлаштириш учун мазкур Низомга **6-иловадаги** намунада тайёрланган битта ДРБ берилади.

ДРБ ундаги рақамларнинг ўсиб бориш тартибига мувофиқ равишда берилади:

юридик шахсларга — I ва III типли ДРБ;

жисмоний шахсларга — II ва IV типли ДРБ.

Илгари фойдаланишда бўлган ДРБ кирим қилиниши ва белгиланган тартибда сарфланиши (берилиши) мумкин.

29. Техника эгаси берилган ДРБ дан мақсадли фойдаланиши шарт.

30. Қишлоқ хўжалиги, йўл-қурилиш, мелиоратив ва бошқа мақсадларга мўлжалланган тупроққа ва экинларга ишлов берувчи, юк ортувчи, дон ва уруғни қайта ишлашга мўлжалланган машиналар, чорвачилик, паррандачилик ва ем-хашак ишлаб чиқариш машина ва технологик ускуналари, кичик механизация мосламалари, сув насослари, уруғ саралагичлар техник гувоҳномага мос равишда рақамланади ва рама ёки асосий қисмининг кўринадиган жойига инвентар рақами шаклида ёзилади.

4-боб. Техникаларни вақтинчалик рўйхатдан ўтказиш

31. Техникаларни вақтинчалик рўйхатдан ўтказиш мазкур Низомга **3-иловага** мувофиқ схема бўйича амалга оширилади.

Мулқдор мазкур Низомнинг **33, 34** ва **35-бандларида** кўрсатилган ҳужжатларни ва техникани вақтинчалик рўйхатдан ўтказиш учун белгиланган йиғим суммаси тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатни илова қилган ҳолда Марказга ёзма ариза тақдим этади.

Техникаларни рўйхатдан ўтказиш билан боғлиқ аризалар 3 кундан кечиктирилмасдан кўриб чиқилади ҳамда **1** ва **2-иловалардаги** намунада, қоғозда тайёрланган «вақтинчалик техник паспорт» ва «вақтинчалик техник гувоҳнома» берилади ва заруратга кўра ҳар йили узайтириб узайтирилади.

32. Техникаларни вақтинчалик рўйхатдан ўтказиш Марказ томонидан қуйидаги ҳолатларда амалга оширилади:

а) Ўзбекистон Республикаси ҳудудига вақтинчалик олиб кириш божхона режимига олиб келинган техникалар давлат божхона хизмати органлари томонидан расмийлаштирилганда;

б) техника тажриба намуналари синовларидан ўтказилганда;

в) техника лизинг (сублизинг) шартномасига асосан лизингга (сублизингга) берилганда;

г) техника ҳужжатларининг қонунийлигига аниқлик киритилиши талаб этиладиган ҳолатларда;

д) техника мулкдорининг манзили ўзгарганда, техниканинг вақтинчалик рўйхатдан ўтказиш жойини ўзгартириш талаб этилганда;

е) олти ойдан кўп бўлган муддатга унинг манзили вақтинчалик ўзгарганда, техника рўйхатда турган ҳудуддан чиқиб кетганда;

ё) эгалик ҳуқуқи белгиланмаганда.

33. Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб келинган техникани вақтинчалик рўйхатдан ўтказиш учун Марказга қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

божхона юк декларацияси;

мулкдорнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат ёки юридик шахснинг гувоҳномаси нусхаси;

мулкдорнинг ишончли вакили ваколатларини тасдиқловчи ҳужжат (ишончнома) ва шахсини тасдиқловчи ҳужжат;

техникаларнинг тўхташ (сақлаш) жойи тўғрисида маълумотлар;

вақтинчалик рўйхатдан ўтказиш учун белгиланган йиғимларнинг тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб келинган ва вақтинчалик олиб кириш божхона режимига расмийлаштирилган техникани вақтинчалик рўйхатдан ўтказиш вақтинчалик олиб кириш рухсатномасида кўрсатилган муддатга амалга оширилади.

34. Синовдан ўтказилаётган техникаларни вақтинчалик рўйхатдан ўтказиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

мулкдор ёки унинг вакилининг (Низомга 4 ва 5-иловадаги намунада) аризаси;

мулкдор ёки унинг вакилининг шахсини тасдиқловчи ҳужжат ва ишончнома нусхаси;

Марказ томонидан расмийлаштирилган алоҳида техниканинг тажриба намунасини техник кўриқдан ўтказиш далолатномаси;

техника тажриба намунасининг тўхташ (сақлаш) жойи тўғрисидаги маълумотлар.

Тажриба намунаси бўлган техникани вақтинчалик рўйхатдан ўтказиш белгиланган синов ўтказиш муддатига амалга оширилади.

Бу ҳақда мазкур техникага техник паспорт ёки техник гувоҳнома ва «TAJRIBA» типидagi ДРБ берилади.

35. Лизингга (сублизингга) берилаётган техникани вақтинчалик рўйхатдан ўтказиш учун унинг эгаси қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

мулкдор ёки унинг вакилининг (Низомга 4 ва 5-иловадаги намунада) аризаси;

мулкдор ёки унинг вакилининг шахсини тасдиқловчи ҳужжат ва ишончнома нусхаси;

техниканинг рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги гувоҳномаси ёки ихтисослаштирилган савдо корхонаси томонидан бериладиган ҳисоб-маълумотнома;
техниканинг лизинг ёки сублизинг шартномаси;
юридик шахслар учун — техникаларнинг тўхташ (сақлаш) жойи тўғрисида маълумот;
рўйхатдан ўтказиш учун белгиланган йиғимларнинг тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат.

36. Бир шахс томонидан бошқа шахсга лизинг ёки сублизинг шартномаси доирасида вақтинчалик эгалик қилиш ва фойдаланишга бериш учун олинган техникани вақтинчалик рўйхатдан ўтказиш, тузилган лизинг (сублизинг) шартномаси талабларидан келиб чиқиб, лизинг берувчи ёки лизинг олувчи номига лизинг (сублизинг) шартномасида кўрсатилган муддатга амалга оширилади. Агар лизинг шартномасида лизингга олувчи номига техникани вақтинчалик рўйхатдан ўтказиш ҳақида бир хилдаги қоидалари мавжуд бўлмаса, унда техника лизингга берувчи номига рўйхатдан ўтказилади.

Техникани лизингга берувчига вақтинчалик рўйхатдан ўтказиш лизингга берувчининг манзили (яшаш жойи) бўйича, лизингга олувчига эса — лизингга олувчининг манзили (яшаш жойи) бўйича амалга оширилади.

37. Лизингга (сублизингга) берилаётган техникани вақтинчалик рўйхатдан ўтказиш шартномада кўрсатилган муддатга техникани рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги техник паспорт ёки техник гувоҳнома берилган ҳолда амалга оширилади.

38. Лизингга (сублизингга) берилаётган вақтинчалик рўйхатдан ўтказилган техниканинг рўйхатдан ўтказиш китобида техникани вақтинчалик рўйхатдан ўтказиш муддатининг тугаши, лизинг (сублизинг) шартномасининг рақами ва санасини кўрсатган ҳолда «Лизинг, 20__ йил «__» _____ даги «__» -сон лизинг (сублизинг) шартномасига асосан вақтинчалик рўйхатдан ўтказиш _____ гача» деган ёзув киритилади.

39. Лизингга олувчига техника мулк ҳуқуқи асосида ўтишини назарда тутувчи лизинг (сублизинг) шартномасининг амал қилиш муддати тугаши билан техника лизинг (сублизинг) шартномаси ва лизинг берувчининг техникага бўлган мулк ҳуқуқининг лизингга олувчига ўтганлигини тасдиқловчи топшириш-қабул қилиш далолатномаси асосида лизингга олувчининг номига доимий давлат рўйхатидан ўтказилади.

Лизингга олувчига техникага бўлган мулк ҳуқуқининг ўтиши назарда тутилмаган лизинг (сублизинг) шартномасининг амал қилиш муддати тугаши билан лизингга олувчига техника фақат нотариус томонидан тасдиқланган техникани бошқа шахсга ўтказиш шартномаси (олди-сотди, айирбошлаш, ҳадя, рента ва бошқалар) асосида рўйхатдан ўтказилиши мумкин.

Лизингга берувчининг ёзма сўровига асосан техникалар лизингга олувчи номига ҳам расмийлаштирилиши мумкин. Бунда техника лизингга берувчи номидан тақиққа олинади ва унинг хати билан тақиқдан чиқарилади. Техника лизинг олувчидан олиниб, бошқага ўтказилганда янгидан рўйхатдан ўтказилади.

40. Лизингга (сублизингга) олувчи номига рўйхатдан ўтказилган техникани лизингга берувчига қайтариб берилишини назарда тутувчи лизинг шартномасини бекор қилган ҳолда, кўрсатилган техника лизинг шартномасининг бекор қилинганлиги ҳақида ҳужжат ёки техникани лизингга берувчига қайтарилишини назарда тутувчи суд ёки бошқа органлар ижро ҳужжатининг нусхаси илова қилинган ҳолда лизингга берувчининг аризасига асосан лизингга берувчи номига рўйхатдан ўтказилади.

41. Давлат рўйхатидан (вақтинчалик рўйхатдан) ўтказиш учун тақдим этилган техникаларнинг ҳужжатлари Марказда уларнинг асли эканлигига ёки улардаги маълумотларнинг қонунийлигига шубҳа туғдирса ёхуд бошқа аниқлик киритилиши лозим бўлган ҳолатлар мавжуд бўлса, лекин, шу билан бирга, мазкур Низомнинг 27-бандида кўрсатилган техникани давлат рўйхатидан ўтказишга рад қилиш учун асослар мавжуд бўлмаса, олти ойдан ошмаган муддатга вақтинчалик рўйхатга олинади.

Кўрсатилган техникаларни вақтинчалик рўйхатдан ўтказиш мазкур Низомнинг 21, 33 ёки 35-бандларига мувофиқ тақдим этилган ҳужжатлар асосида амалга оширилади.

Вақтинчалик рўйхатдан ўтказиш муддати давомида Марказ бошқа ваколатли органлар билан ўзаро ҳамкорликда тақдим қилинган ҳужжатларни текшириш бўйича тегишли тадбирларни амалга оширади. Шубҳалар тасдиқланганда ва рўйхатдан ўтказиш учун асослар пайдо бўлганда, Марказ аввалги эгасига техниканинг рўйхатдан ўтказилганлигини тиклаб бериб, техниканинг рўйхатдан ўтганлигини бекор қилади ёхуд қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа чораларни кўради. Марказнинг шубҳалари тасдиқланмаганда ёки техниканинг вақтинчалик рўйхатдан ўтказиш муддати тугаганда, у Марказ томонидан умумий асосларга кўра рўйхатдан ўтказилади ёки вақтинчалик рўйхатдан ўтган муддати узайтирилади.

42. Техниканинг вақтинчалик рўйхатдан ўтказиш жойи ўзгартирилиши талаб этилаётган мулкдорнинг яшаш жойи ёки жойлашган манзили ўзгарганда, техникани вақтинчалик рўйхатдан ўтказиш учун мулкдор ёки унинг вакили ҳудудий Марказга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

мулкдор ёки унинг вакилининг (Низомга 4 ва 5-иловадаги намунада) аризаси;

мулкдор ёки унинг вакилининг шахсини тасдиқловчи ҳужжат ва ишончнома нусхаси;

мулкдорнинг яшаш жойи ёки жойлашган манзили ўзгарганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар (яшаш жойи бўйича доимий рўйхатга қўйилганлиги белгиси билан паспорт, юридик шахснинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ва бошқалар) нусхалари;

юридик шахслар учун — техникаларнинг тўхташ (сақлаш) жойи тўғрисида маълумот;

вақтинчалик рўйхатдан ўтказиш учун белгиланган йиғимларнинг тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат.

Ушбу асос бўйича техникани вақтинчалик рўйхатдан ўтказиш, тегишли асосларнинг мавжуд ҳолатларидан ташқари, олдинги вақтинчалик рўйхатдан ўтказиш муддатини ўзгартирмаган ҳолда амалга оширилади.

43. Эгалик ҳуқуқи белгиланмаган техникаларни вақтинчалик рўйхатдан ўтказиш учун тақдим этиладиган ҳужжатлар:

юридик ёки жисмоний шахснинг аризаси;

техниканинг техник маълумотлари (шасси, двигатель, ва бошқа рақамлари);

маҳалла фуқаролар йиғинидан 3 йилдан ортиқ муддатда фойдаланиб келаётганлиги тўғрисида ҳамда 3 нафар кўшниси имзолаган маълумотнома;

ички ишлар бўлиmidан шу рақамдаги техника ёки қисмларни ўғирланган техникалар рўйхатида мавжуд ёки мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумотнома;

техникани сотиб олгани ёки йиғилганлиги тўғрисида тақдим этувчининг тушунтириш хати ва шу техника бошқага тегишли бўлган тақдирда қайтарилиши тўғрисида тилхат;

вақтинчалик рўйхатдан ўтказиш учун белгиланган йиғимларнинг тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат.

Уч йил давомида ушбу техникага даъвогар чиқмаган тақдирда, у тақдим этган юридик ёки жисмоний шахсга доимий мулк ҳуқуқи билан расмийлаштирилади.

44. Техника сақланаётган ва унинг мулкдорининг яшаш жойи олти ойдан кўп бўлган муддатга вақтинчалик ўзгарганда, техника рўйхатдан ўтган ҳудуддан ташқарига вақтинча олиб чиқиб кетилганда, вақтинчалик рўйхатдан ўтказиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

мулкдор ёки унинг вакилининг (Низомга 4 ва 5-иловадаги намунада) аризаси;

мулкдор ёки унинг вакилининг шахсини тасдиқловчи ҳужжат ва ишончнома;

мулкдорнинг яшаш жойи ёки жойлашган манзили вақтинчалик ўзгарганлик ҳолатларини тасдиқловчи ҳужжатлар (рўйхатга қўйилганлиги белгиси билан паспорт, хизмат сафари тўғрисидаги гувоҳнома ва бошқалар), нотариус томонидан тасдиқланган ва техникани вақтинчалик фойдаланишга олганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар нусхалари (шартнома, ишончнома ва ҳ.к.);

юридик шахслар учун — техниканинг тўхташ (сақлаш) жойи тўғрисида маълумот;

вақтинчалик рўйхатдан ўтказиш учун белгиланган йиғимларнинг тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат.

5-боб. Бошқа шахсларга ўтказиш билан боғлиқ бўлмаган техникалар билан келишувларни ҳисобга қўйиш

45. Нотариус, шунингдек, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолатларда эса консул томонидан ҳам тасдиқланган қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш техникалари ҳамда ўзиюрар техникалардан фойдаланиш ва (ёки) тасарруф этиш ишончномалари (юридик шахслар томонидан ўз ходимларига берилган техникалардан фойдаланиш ва (ёки) тасарруф этиш ишончномалари бундан мустасно), ижара, текинга фойдаланиш ва техникаларни гаровга қўйиш шартномалари, техниканинг рўйхатдан ўтиш жойи бўйича Марказда техникаларни рўйхатдан ўтказмасдан ҳисобга қўйилади.

46. Мазкур Низомнинг 45-бандида кўрсатилган ҳужжатларни ҳисобга қўйиш учун нотариус ва консуллар томонидан уларнинг ёзма (электрон) шакллари Марказга юборилади ёки техникаларни ҳисобга қўйиш тўғрисидаги маълумотлар рўйхатга олиш китобига ва электрон маълумотлар базасига киритилади.

Барча турдаги техникаларнинг кўрсатилган ҳужжатлари ҳисобга қўйиш учун Марказга:

мулкдорнинг ёки унинг вакилининг шахсини тасдиқловчи ҳужжати;

техниканинг рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги техник паспорт ёки техник гувоҳнома;

нотариус томонидан тасдиқланган ҳисобга қўйиладиган ҳужжатнинг иккита нусхаси (ишончнома биттадан ортиқ ишончли шахсга берилган тақдирда, Марказга ишончли шахслар сони бўйича ишончномалар нусхалари, шунингдек, Марказга битта нусхаси) берилиши лозим.

47. Мазкур Низомнинг 45-бандида назарда тутилган ҳужжатларни ҳисобга қўйиш, ҳисобга қўйиладиган ҳужжатлар ҳақидаги маълумотларни техникаларнинг рўйхатдан

ўтказиш китобига киритиш йўли билан амалга оширилади, унга ҳужжатнинг шакли илова қилинади.

Мазкур Низомнинг 45-бандида кўрсатилган ҳужжатларни ҳисобга қўйишда Марказнинг рўйхатдан ўтказиш ҳаракатларини амалга оширишда белгиланган йиғим ундирилади.

6-боб. Техникаларни қайта рўйхатдан ўтказиш

48. Техникаларни қайта рўйхатдан ўтказиш мазкур Низомга 3-иловага мувофиқ схема бўйича амалга оширилади.

Мулқдор мазкур Низомнинг 50, 51, 52, 54, 55 ва 56-бандларида кўрсатилган ҳужжатларни ва техникани қайта рўйхатдан ўтказиш учун белгиланган йиғим суммаси тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатни илова қилган ҳолда Марказга ёзма ариза тақдим этади.

Техникаларни қайта рўйхатдан ўтказиш билан боғлиқ аризалар 3 кундан кечиктирмасдан кўриб чиқилади.

49. Техникаларни қайта рўйхатдан ўтказиш қуйидаги ҳолатларда амалга оширилади:

а) мулқдор — жисмоний шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми ўзгарганда, шунингдек, мулқдор — юридик шахс қайта ташкил этилганда ёки номланиши ўзгарганда;

б) техниканинг рўйхатдан ўтказиш жойини ўзгартиришни талаб қилмаган ҳолатда мулқдорнинг яшаш жойи ёки жойлашган манзили ўзгарганда;

в) юридик шахсларга тегишли техникаларнинг сақлаб туриладиган жойи ўзгарганда;

г) техникаларнинг ранги ва (ёки) агрегат рақами ўзгарганда;

д) техника қайта жиҳозланганда;

50. Мулқдор — жисмоний шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми ўзгарганда, шунингдек, мулқдор — юридик шахс қайта ташкил этилганда ёки номланиши ўзгарганда техникани қайта рўйхатдан ўтказиш учун мулқдор ёки унинг вакили Марказга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

мулқдор ёки унинг вакилининг (Низомга 4 ва 5-иловадаги намунада) аризаси;

мулқдор ёки унинг вакилининг шахсини тасдиқловчи ҳужжати;

мулқдор — жисмоний шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми ўзгарганлигини (ФХДЁ органларининг ёки хорижга чиқиш-келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимининг маълумотномаси), шунингдек, мулқдор — юридик шахснинг қайта ташкил этилиши ёки номланиши ўзгарганлигини (юридик шахснинг давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисида маълумот ва юридик шахснинг бошқарув органи қарори) тасдиқловчи ҳужжат;

қайта рўйхатдан ўтказиш учун белгиланган йиғимларнинг тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат.

Мулқдор — жисмоний шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми ўзгарганда, шунингдек, мулқдор — юридик шахс қайта ташкил этилганда ёки номланиши ўзгарганда техниканинг рўйхатга олиш картасига тегишли ўзгартиришлар киритилади, илгари берилган техниканинг рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги техник паспорт ёки техник гувоҳнома эса техника эгаси ҳақида янги маълумотларни кўрсатган ҳолда алмаштирилади.

51. Мулқдорнинг рўйхатдан ўтган жойини ўзгартиришни талаб этмайдиган мулқдорнинг яшаш (турган) жойи ёки жойлашган жойи (почта манзили) ўзгарганда техникани қайта рўйхатдан ўтказиш учун мулқдор ёки унинг вакили Марказга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

мулкдор ёки унинг вакилининг (Низомга 4 ва 5-иловадаги намунада) аризаси;
мулкдор ёки унинг вакилининг шахсини тасдиқловчи ҳужжати;
мулкдорнинг яшаш (турган) жойи ёки жойлашган жойи (почта манзили)
ўзгарганлигини тасдиқловчи ҳужжат (яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтказилганлиги
тўғрисидаги белги билан паспорт, юридик шахсининг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги
тўғрисидаги техник паспорт ёки техник гувоҳнома ва бошқалар);
қайта рўйхатдан ўтказиш учун белгиланган йиғимларнинг тўланганлигини
тасдиқловчи ҳужжат.

Мулкдорнинг рўйхатдан ўтган жойини ўзгартиришни талаб этмайдиган
мулкдорнинг яшаш жойи ёки жойлашган манзили ўзгарганда техниканинг рўйхатга олиш
китоби (картаси)га тегишли ўзгартиришлар киритилади, илгари берилган техниканинг
рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги техник паспорт ёки техник гувоҳнома эса
мулкдорнинг янги яшаш жойи ёки жойлашган манзилени кўрсатган ҳолда алмаштирилади.

52. Юридик шахсларга тегишли техникаларнинг сақлаб туриладиган жойи
ўзгарганда техникани қайта рўйхатдан ўтказиш учун мулкдор ёки унинг вакили Марказга
қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

мулкдор ёки унинг вакилининг (Низомга 4 ва 5-иловадаги намунада) аризаси;
мулкдор ёки унинг вакилининг шахсини тасдиқловчи ҳужжати;
техникаларнинг сақлаб туриладиган жойи ўзгарганлигини тасдиқловчи ҳужжат;
қайта рўйхатдан ўтказиш учун белгиланган йиғимларнинг тўланганлигини
тасдиқловчи ҳужжат.

Техникаларнинг сақлаб туриладиган жойи ўзгарганда техниканинг рўйхатга олиш
китоби (картаси)га тегишли ўзгартиришлар киритилади.

53. Техникага ўзгартириш киритиш ва уни қайта жиҳозлаш мулкдорнинг мазкур
Низомга 7-иловага мувофиқ берган аризасига ва Марказ томонидан тегишли муассасанинг
хулосаси асосида берилладиган мазкур Низомга 8-иловага мувофиқ берилган рухсатномаси
билан амалга оширилади.

54. Техниканинг ранги ва (ёки) агрегат рақами ўзгарганда техникани қайта
рўйхатдан ўтказиш учун мулкдор ёки унинг вакили ҳудудий Марказга қуйидаги
ҳужжатларни тақдим этади:

мулкдор ёки унинг вакилининг (Низомга 4 ва 5-иловадаги намунада) аризаси;
мулкдор ёки унинг вакилининг шахсини тасдиқловчи ҳужжати;
агрегатнинг қонуний олинганлигини тасдиқловчи ҳужжат (ҳисоб-маълумотнома,
нотариус томонидан тасдиқланган олди-сотди шартномаси);
техникани таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш бўйича махсус корхонада
агрегатнинг алмаштирилганлигини ёки ранги ўзгартирилганлигини тасдиқловчи ҳужжат;
қайта рўйхатдан ўтказиш учун белгиланган йиғимларнинг тўланганлигини
тасдиқловчи ҳужжат.

Техниканинг ранги ва (ёки) агрегат рақами ўзгарганда техниканинг рўйхатга олиш
китоби (картаси)га тегишли ўзгартиришлар киритилади, илгари берилган техникани
рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги техник паспорт ёки техник гувоҳнома эса техниканинг янги
ранги ва (ёки) агрегат рақамини кўрсатган ҳолда алмаштирилади.

55. Техника қайта жиҳозлаганда уни қайта рўйхатдан ўтказиш қуйидаги ҳужжатлар
асосида амалга оширилади:

мулкдор ёки унинг вакилининг (Низомга 4 ва 5-иловадаги намунада) аризаси;
мулкдор ёки унинг вакилининг шахсини тасдиқловчи ҳужжати;

рақамли агрегатлар (ҳисоб-маълумотнома, нотариус томонидан тасдиқланган олди-сотди шартномаси) ва техника қайта жиҳозланганда ишлатилган бошқа деталлар олинганлигининг қонунийлигини тасдиқловчи ҳужжатлар;

Марказ томонидан берилган техникани қайта жиҳозлашга рухсати бўлган техникани таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш бўйича махсус корхонада қайта жиҳозлашни амалга оширганликни тасдиқловчи ҳужжат;

газ баллони ускуналарини техникага қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўрнатиш далолатномасининг нусхаси ва газ баллонларининг мувофиқлик сертификатининг нусхаси (газ баллони ускунаси ўрнатилган ҳолда қайта жиҳозланган техникалар учун);

ушбу техникада қайта жиҳозлашни амалга ошириш учун Марказ томонидан берилган рухсатноманинг нусхаси (тегишли гувоҳномага эга бўлган техникани таъмирлаш ва унга техник хизмат кўрсатиш бўйича ихтисослаштирилган корхоналарда техника қайта жиҳозланган ҳолатлар бундан мустасно);

қайта рўйхатдан ўтказиш учун белгиланган йиғимларнинг тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат.

Техникани қайта жиҳозлашни амалга оширганда техниканинг рўйхатга олиш китоби (картаси)га тегишли ўзгартиришлар киритилади, илгари берилган техникани рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги техник паспорт ёки техник гувоҳнома эса техниканинг янги агрегат рақами кўрсатилган ҳолда алмаштирилади.

56. Техниканинг рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги техник паспорт ёки техник гувоҳнома яроқсиз ҳолга келганда, шикастланганда ёки ўғирланганда ва (ёки) ДРБ яроқсиз ҳолга келганда, шикастланганда ёки ўғирланганда уларнинг дубликатини бериш қуйидаги ҳужжатлар асосида амалга оширилади:

мулкдор ёки унинг вакилининг (Низомга 4 ва 5-иловадаги намунада) аризаси;

мулкдор ёки унинг вакилининг шахсини тасдиқловчи ҳужжати;

техниканинг рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги техник паспорт ёки техник гувоҳнома (у яроқсиз ҳолга келганда);

шикастланган ДРБлар (улар шикастланганда);

ички ишлар органларининг техниканинг рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги техник паспорт ёки техник гувоҳноманинг ва (ёки) ДРБлар ўғирланганлиги тўғрисидаги маълумоти;

дубликат ҳужжат олиш учун белгиланган йиғимларнинг тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат.

Техникани рўйхатдан ўтказиш гувоҳномаси яроқсиз ҳолга келганда, шикастланганда ёки ўғирланганда техникани рўйхатдан ўтказиш китоби (картаси) маълумотлари асосида Марказ техника воситасининг рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги техник паспорт ёки техник гувоҳноманинг дубликатини беради.

ДРБлар шикастланганда, йўқолганда ёки ўғирланганда техниканинг рўйхатдан ўтказиш маълумотлари асосида белгиланган миқдорда тўловлар амалга оширилгач, Марказ янги ДРБ берилишини таъминлайди.

ДРБлар дубликатининг йўқолган ёки ўғирланганларининг ўрнига қайта дубликат берилишига йўл қўйилмайди.

ДРБлар шикастланганда Марказ буюртмасига асосан дубликати тайёрланиши ва қайта фойдаланилиши мумкин.

Амалга оширилган рўйхатга олиш тўғрисидаги маълумотлар (техниканинг рўйхатга олинганлиги тўғрисидаги техник паспорт ёки техник гувоҳноманинг дубликатини,

янги ДРБни ёки дубликати бериш) техниканинг рўйхатга олиш китоби (картаси)га киритилади.

7-боб. Техникаларни ҳисобдан чиқариш

57. Техникаларни ҳисобдан чиқариш мазкур Низомга 3-иловага мувофиқ схема бўйича амалга оширилади.

Мулкдор мазкур Низомнинг 59 ва 61-бандларида кўрсатилган ҳужжатларни ва техникани ҳисобдан чиқариш учун белгиланган йиғим суммаси тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатни илова қилган ҳолда Марказга ёзма ариза тақдим этади.

Техникаларни ҳисобдан чиқариш билан боғлиқ аризалар 3 кундан кечиктирмасдан кўриб чиқилади.

58. Расмийлаштирилган божхона юк декларациясига асосан техника Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан товар сифатида четга чиқарилганда ҳамда техника кейинги фойдаланувга яроқсиз деб ҳисобланганда Марказ ҳисобидан чиқарилади.

59. Расмийлаштирилган божхона юк декларациясига асосан Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан техника товар сифатида четга чиқарилганда техникани ҳисобдан чиқариш қуйидаги ҳужжатларга асосан амалга оширилади;

мулкдор ёки унинг вакилининг аризаси;

мулкдор ёки унинг вакилининг шахсини тасдиқловчи ҳужжати;

расмийлаштирилган божхона юк декларацияси;

техникани рўйхатдан ўтказиш тўғрисида гувоҳнома.

Техника унинг чет давлат ҳудудига чиқарилганлиги муносабати билан ҳисобдан чиқарилганда, олдинги ДРБ Марказ томонидан вақтинчалик (бир марталик қоғозли транзит) йўл ҳаракатида иштирок этиш учун рухсат этилган техникалар учун ДРБларга алмаштирилади, техниканинг рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги техник паспорт ёки техник гувоҳномада ҳисобдан чиқаришнинг сабаблари, белгиланган манзил ва ҳисобдан чиқариш санаси тўғрисидаги маълумотлар ёзиб қўйилади.

Ўзбекистон Республикасига вақтинчалик олиб келинган чет давлат ёки халқаро ташкилотлар техникани уларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан чиқариб кетилиши муносабати билан ҳисобдан чиқарганда аризаларга техникани ҳисобдан чиқарганлик тўғрисидаги белги билан техниканинг рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги техник паспорт ёки техник гувоҳнома берилади, шунингдек, чет давлатларнинг рўйхатдан ўтган техникаларининг ДРБлари қайтариб берилади, улар мавжуд бўлмаганда — вақтинчалик (бир марталик қоғозли транзит) йўл ҳаракатида иштирок этиш учун рухсат этилган техникалар учун ДРБлар берилади.

60. Техниканинг рўйхатдан ўтказиш жойини ўзгартиришни талаб қилмайдиган ҳолатда мулкдорнинг яшаш жойи ёки жойлашган манзили ўзгарганда техникани ҳисобдан чиқариш ҳудудий Марказ томонидан техниканинг рўйхатдан ўтган янги жойи бўйича рўйхатдан ўтган техникалар китоби (картаси)га ва электрон маълумотлар базасига тегишли маълумотларни киритган ҳолда амалга оширилади.

61. Техника кейинги фойдаланувга яроқсиз деб ҳисобланганда уни ҳисобдан чиқариш қуйидаги ҳужжатлар асосида амалга оширилади:

мулкдор ёки унинг вакилининг аризаси;

мулкдор ёки унинг вакилининг шахсини тасдиқловчи ҳужжати;

техниканинг рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги ҳужжат;

техникани кейинги фойдаланувга яроқсиз деб топиш ва уни ҳисобдан чиқариш тўғрисидаги буйруқ (юримдик шахслар учун) ёки тегишли масъуллар иштирокида тузилган далолатнома (жисмоний шахслар учун);

техника жойлашган жой бўйича Марказ томонидан расмийлаштирилган алоҳида техникани техник кўриқдан ўтказганлик тўғрисида далолатнома;

ҳисобдан чиқариш ҳаракатлари учун белгиланган йиғимларнинг тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат.

Кейинги фойдаланувга яроқсиз деб ҳисобланган техника ҳисобдан чиқарилганда техниканинг рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги техник паспорт ёки техник гувоҳнома ва ДРБ олиб қўйилади.

62. Техникани ҳисобдан чиқариш ёки асосли рад этиш ҳаракатлари мурожаат этилган кундан бошлаб 3 иш куни ичида амалга оширилади.

63. Техника куйидаги ҳолатларда ҳисобдан чиқарилмайди:

мазкур Низомнинг 59 ва 61-бандларида назарда тутилган ҳужжатлар тақдим этилмаганда;

техникага туширилган идентификация тамғасининг яширилиши, сохталаштирилиши, ўзгартирилиши, йўқ қилиниши аломатлари ёхуд тақдим этилган ҳужжатларнинг сохталаштирилиши, тақдим этилган ҳужжатларда ёки рўйхатга доир ҳужжатларда кўрсатиб ўтилган маълумотларга техника ва агрегат рақамларининг номувофиқлиги аниқланганда;

техника, рақам агрегатларининг қидирувда эканлиги ёки тақдим этилган ҳужжатларнинг йўқолганлиги (ўғирланганлиги) тўғрисида маълумотлар мавжуд бўлганда;

қонун ҳужжатларига мувофиқ техниканинг тасарруф этилишига тақиқ ёки унинг хатлаб қўйилиши мавжуд бўлганда;

ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан жиноят ишида ашёвий далил сифатида эътироф этилганда;

васийлик ва ҳомийлик органининг ёки белгиланган ёшга етмаган ёхуд муомалага лаёқатсиз мулкдорнинг қонуний вакилларининг руҳсати бўлмаганда;

лизинг берувчининг розилиги мавжуд бўлмаганда — лизингга тақдим этилган техникалар учун.

Мулкдор ёки унинг вакили техникани ҳисобдан чиқаришнинг рад этиш асосларини бартараф этган тақдирда техникани ҳисобдан чиқариш тўғрисида ариза билан қайтадан мурожаат қилишга ҳақли.

64. Техника ҳисобдан чиқарилганда унинг рўйхатга олиш китобига ҳисобдан чиқаришнинг сабаблари тўғрисидаги маълумотлар киритилади.

Ҳисобдан чиқарилиши лозим бўлган техниканинг рўйхатга олинганлиги тўғрисидаги техник паспорт ёки техник гувоҳнома ва (ёки) техниканинг ДРБи йўқолганда, уларнинг Марказда мавжудлиги текширилгандан сўнг, техникани рўйхатга олиш китоби (картаси)га техниканинг рўйхатга олинганлиги тўғрисидаги техник паспорт ёки техник гувоҳнома ва (ёки) техниканинг ДРБси йўқолганлиги тўғрисида тегишли ёзув киритилади.

Зарур ҳолатларда, техниканинг эгасига белгиланган тартибда техниканинг агрегат рақамлари ҳисобдан чиқарилганлиги тўғрисидаги тегишли маълумотнома берилади.

8-боб. Эгаллик ҳуқуқи ва ҳужжатлари мавжуд бўлмаган техникаларни расмийлаштириш ва рўйхатга қўйиш

65. Эгалик ҳуқуқи ва ҳужжатлари мавжуд бўлмаган техникаларни расмийлаштириш ва рўйхатга қўйиш мазкур Низомга 3-иловага мувофиқ схема бўйича амалга оширилади.

Эгалик ҳуқуқи ва ҳужжатлари мавжуд бўлмаган техникани расмийлаштириш ва рўйхатга қўйиш учун мурожаат қилган юридик ёки жисмоний шахс мазкур Низомнинг 69 ва 70-бандлари талаби бўйича кўриб чиқиш учун тегишли ҳужжатларни илова қилган ҳолда Марказга ёзма ариза тақдим этади.

Эгалик ҳуқуқи ва ҳужжатлари мавжуд бўлмаган техникани расмийлаштириш ва рўйхатга қўйиш билан боғлиқ аризалар 10 кундан кечиктирмасдан кўриб чиқилади.

66. Эгалик ҳуқуқи бўлмаган, қайта тикланган ёки мавжуд имкониятлар билан тайёрланган қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш техникалари ва ўзиюрар машиналарга эгалик ҳуқуқини бериш ва давлат рўйхатидан ўтказиш Инспекциянинг туман (шаҳар) бўлимлари тузадиган комиссия томонидан кўриб чиқилади.

67. Комиссия фаолиятига Инспекция ходими раҳбарлик қилади.

68. Комиссия таркибига туман қишлоқ хўжалиги бўлими ва бошқа давлат хўжалик бошқаруви органларининг ҳудудий вакиллари киритилади.

69. Комиссия эгалик ҳуқуқи ва ҳужжатлари бўлмаган техникаларнинг техник регламент ва техника хавфсизлик талабларига мослигини, техникадан фойдаланиб келинаётган муддатни, техниканинг қидирувда ёки қидирувда эмаслигини кўриб чиқади.

70. Комиссия томонидан, камида уч йилдан ортиқ муддатда фойдаланиб келинаётгани, ўғирланмагани, техник талабларга жавоб бериши бўйича далолатнома тузилади ва тегишли ташкилот (маҳаллий ҳокимликлар, судлар)га эгалик ҳуқуқини белгилаш учун тақдим этилади.

Юридик ёки жисмоний шахслар эгалик ҳуқуқини белгилаш учун тўғридан-тўғри тегишли ташкилотларга мурожаат қилиши мумкин.

71. Эгалик ҳуқуқи белгиланган техникалар ушбу Низомда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилади.

Эгалик ҳуқуқи белгиланмаган техникалар вақтинчалик рўйхатдан ўтказилади ва 3 йил давомида техник кўрик даврида вақтинчалик рўйхатдан ўтказиш муддати узайтириб борилади ва 3 йил ўтгач доимий рўйхатга олинади.

9-боб. Техникани рўйхатдан чиқариш

72. Техникаларни давлат рўйхатидан чиқариш Марказ томонидан қуйидаги ҳолатларда амалга оширилади:

а) олдин Марказда рўйхатдан ўтган техниканинг эгаси ўзгарганда;

б) техниканинг рўйхатдан ўтган жойини ўзгартиришни талаб қилувчи, мулкдорнинг яшаш жойи ёки жойлашган манзили ўзгарганда;

в) техникалар ҳисобдан чиқарилгандан сўнг.

73. Техникаларни рўйхатдан чиқариш мазкур Низомга 3-иловага мувофиқ схема бўйича амалга оширилади.

Мулкдор мазкур Низомнинг 74-бандида кўрсатилган ҳужжатларни ва техникани рўйхатдан чиқариш учун белгиланган йиғим суммаси тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатни илова қилган ҳолда Марказга ёзма ариза тақдим этади.

Техникаларни ҳисобдан чиқариш билан боғлиқ аризалар 3 кундан кечиктирмасдан кўриб чиқилади.

74. Мулкдор томонидан техникаларни рўйхатдан чиқариш учун Марказга қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

мулкдор ёки унинг вакилининг мазкур Низомга 9-иловада белгиланган намунадаги аризаси;

мулкдорнинг ёки унинг вакилининг шахсини тасдиқловчи ҳужжати;
техниканинг сотилганлиги, мерос сифатида берилганлиги каби ҳолатларда нотариус томонидан тасдиқланган ҳужжат нусхаси;

техник паспорт ёки техник гувоҳнома;
давлат рақами белгиси;
тақиққа олинган бўлса, тақиққа олдирган идоранинг тақиқдан чиқариш тўғрисидаги хати;

75. Марказда тақиққа қўйилмаганлиги текширилгандан сўнг китобга белгиланган тартибда рўйхатдан чиқарилганлиги қайд этилади, электрон маълумотлар базасига рўйхатдан чиқариш рақами ва санаси қўйилади.

76. Техника рўйхатдан чиқарилганда ДРБ Марказга топширилади.

77. Янги харид қилинган, рўйхатдан чиқарилган техникалар 10 иш куни давомида рўйхатга қўйилиши шарт. Рўйхатга қўйишнинг муддатини бузган юридик ва жисмоний шахслардан қонунчиликда белгиланган тартибда жарима ундирилади.

10-боб. Техникани тақиққа олиш ва тақиқдан чиқариш

78. Марказга тақиққа қўйдириш нотариал идоралар, Мажбурий ижро бюроси ва суд идоралари ҳамда қонунда белгиланган бошқа ташкилотларнинг сўрови асосида амалга оширилади.

79. Мазкур Низомга 10-иловада белгиланган ТМ-1 шаклидаги маълумотнома асосида техникалар олди-сотди қилинганда, совға қилинганда, мерос қилиб қолдирилганда ёки бошқа ҳолатларда шартнома тузилишида нотариал идоралар, савдо биржалари ва бошқалар томонидан талаб қилиниши шарт.

80. Техникаларни тақиққа қўйиш тақиқлар китобига ҳамда электрон маълумотлар базасида қайд қилинади, тақиққа қўйдирган ташкилот номи ва тақиққа қўйилган сана ёзиб қўйилади.

81. Марказда тақиқдан чиқариш тақиққа қўйдирган муассасанинг хати ёки суд қарорига асосан амалга оширилади. Тақиқдан чиқарилган техникалар тақиқлар китобига ҳамда электрон маълумотлар базасига киритилади ва тақиқдан чиқарилган санаси ёзиб қўйилади.

11-боб. Яқунловчи қондалар

82. Марказда рўйхатга олиш ҳаракатларини амалга ошириш учун асос бўладиган ҳужжатлар беш йил, техникаларни ва ДРБни беришни рўйхатга олиш китоби Марказда йигирма беш йил сақланади ва ушбу муддат ўтгандан кейин белгиланган тартибда давлат архивига топширилади.

83. Марказга ҳужжатлар нусхалари қабул қилинаётганда, улар асли билан таққосланиши шарт.

84. Қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш техникаларини ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг вакиллигини тасдиқловчи ҳужжатлари бўлмаган тақдирда тижорат билан шуғулланувчи жисмоний ва юридик шахслар техникаларни белгиланган тартибда ўз номларига рўйхатдан ўтказишлари шарт.

85. Бошқарув ва мулк шаклидан қатъи назар, барча турдаги қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш техникаларининг олди-сотди шартномалари фақат нотариал идоралар томонидан расмийлаштирилиши шарт.

Ишлаб чиқарувчи, диллер, лизинг, биржа ва махсус аукцион савдо ташкилотларининг шартномалари бундан мустасно.

86. Техникаларнинг олди-сотди шартномалари ва бошқа мулк эгасининг ўзгаришига олиб келувчи шартномалар Марказда махсус китобларда рўйхатдан ўтказилиб, қайд этилади ва шартномага махсус штамп қўйилади.

87. Техникани давлат рўйхатидан (вақтинчалик ёки қайта рўйхатдан) ўтказиш, давлат рўйхатидан ва ҳисобдан чиқаришда қўшимча маълумот олиш талаб этилганда тақдирда, ушбу масалалар бўйича келиб тушган аризалар 10 кунда кўриб чиқилади.

88. Мулкдор рўйхатдан ўтказувчи ташкилот қарорлари юзасидан қонунда белгиланган тартибда шикоят қилиши мумкин.

Техникаларни давлат рўйхатидан ўтказиш билан боғлиқ давлат хизматлари Инспекция бошлиғининг буйруғига асосан тўғридан-тўғри масъул инспекторлар томонидан ҳам кўрсатилиши мумкин.

89. Мазкур Низом талабларининг бузилиши қонунда белгиланган тартибда жавобгарликка тортишга сабаб бўлади.

Қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш техникаларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги **низомга**

1-ИЛОВА

Қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш техникалари ҳамда ўзиюрар машиналарга бериладиган техник паспортнинг

НАМУНАСИ

Олд томони

		О'ЗБЕКISTON УЗБЕКИСТАН UZBEKISTAN	ТЕХНИК PASPORT	ТЕХНИЧЕСКИЙ ПАСПОРТ VEHICLE LICENCE
DAVLAT RAQAM BELGISI <small>TOC HOBEPHOI 3HAK / STATE NUMBER PLATE</small>	1. DAVLAT RAQAM BELGISI	QORAQALPOQ'ISTON RESPUBLIKASI ANDIJON VILOYATI BUXARO VILOYATI JIZZAX VILOYATI GASHGADARYO VILOYATI NAVOIY VILOYATI NAMANGAN VILOYATI SAMARGAND VILOYATI SRDARYO VILOYATI SURXONDARYO VILOYATI TOSHKENT VILOYATI FARG'ONA VILOYATI XORAZM VILOYATI TOSHKENT SHAHRI		
RUSUMI / MODELI <small>MAPKA / MODEL / BRAND / MODEL</small>	2. RUSUMI / MODELI			
RANGI <small>LIBET / VEHICLE COLOUR</small>	3. RANGI			
EGASI <small>EGAZERELI / OWNER</small>	4. EGASI			
MANZILI <small>ADRES / ADDRESS</small>	5. MANZILI			
BERILGAN SANASI <small>DATA BIRQAM / DATE OF ISSUE</small>	6. BERILGAN SANASI			
INSPEKSIYA BO'LIMI <small>INHTEKSTOR / ISSUING AUTHORITY</small>	7. INSPEKSIYA BO'LIMI			
JSH SHIR / STIR <small>TAH KATIBAH / PERSONAL ID NUMBER / TN</small>	8. JSH SHIR / STIR			
				

Орқа томони

ISHLAB CHIQRILGAN YILI <small>TOZIBACHOQ / YEAR OF MANUFACTURE</small>	9. ISHLAB CHIQRILGAN YILI	SERIYA RAQAMI
TURI <small>TOB / TYPE</small>	10. TURI	
KUZOV SHASSI RAQAMI <small>KOMET BIXOBALJACSI / VEHICLE IDENTIFICATION NUMBER</small>	11. KUZOV / SHASSI RAQAMI	
TO'LA VAZNI <small>TOZHANMICA / MAXIMUM WEIGHT</small>	12. TO'LA VAZNI (kg)	
YUKSIZ VAZNI <small>BIQQA BIZANATPOBIR / MAX WEIGHT OF THE UNIT IN SERVICE</small>	13. YUKSIZ VAZNI (kg)	
D'VIGATEL RAQAMI <small>KOMET 3HAK TOZIB / ENGINE NUMBER</small>	14. D'VIGATEL RAQAMI	
D'VIGATEL QUVVATI <small>KOYQACQILBACHKETE / ENGINE CAPACITY</small>	15. D'VIGATEL QUVVATI	
YONILGI TURI <small>TOZIBACHOQ / TYPE OF FUEL</small>	16. YONILGI TURI	
ALOHIDA BELGILAR <small>OCZAME OZMETHA / SPECIAL MARKS</small>	17. ALOHIDA BELGILAR	

Техник паспортнинг

ТАСНИФИ

Техника рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги «ТЕХНИК PASPORT» халқаро стандартлар тавсиялари асосида 54x86 мм ўлчамда пластикдан тайёрланади. Техника рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги «ТЕХНИК PASPORT»нинг ранги — очик сариқ пушти. Лотин ёзувидаги давлат тилидан фойдаланилади. Серияли рақам — тўрт ҳарфли (UZ-TP), номери — олти рақамли.

Техника рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги «ТЕХНИК PASPORT»да жисмоний шахс учун — шахсий идентификация рақами (ЖШ ШИР), юридик шахс учун — солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР) ва қурилмалар ўртасида бевосита алоқасиз ахборот айирбошлаш имконини берувчи электрон белги (NFC Смарт-карт) бўлади.

Техника рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги «ТЕХНИК PASPORT»нинг пластик шакли қуйидаги ҳимоя воситаларига эга:

микроматн — «ТЕХНИК PASPORT» технический паспорт Vehicle license», ўлчами — максимум 30 микрон;

ультрабинафша қоплама;

«UZ» ёзуви, эгилганда бир рангдан бошқа рангга товланадиган оптик турланадиган бўёк;

гильош, доимий равишда қийшайиб турадиган 40 — 70 мкм қалинликдаги тўлқинли чизиқларнинг қалин тармоғи шаклидаги нақш;

гувоҳнома пластик шаклининг серияли рақамининг лазер ўйма нақши.

Техник паспортнинг олд томонида «ТЕХНИК PASPORT», «Технический паспорт», «Vehicle license» сўзлари ёзилган, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғининг тасвири туширилган, «Ўзбекистон Республикаси» сўзлари давлат тилида, рус ва инглиз тилларида ёзилган. Техниканинг давлат рақами белгиси, маркаси, модели, ранги, эгаси тўғрисидаги маълумотлар (фамилияси, исми, отасининг исми ёки ташкилотнинг номи, манзили), техник паспорт берилган сана, Инспекциянинг тегишли бўлими («Агросаноат мажмуида хизматлар кўрсатиш маркази» давлат унитар корхонасининг тегишли бўлими), жисмоний шахс учун — шахсий идентификация рақами (ЖШ ШИР), юридик шахс учун — солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР) мажбурий тартибда кўрсатилади.

Техника рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги «ТЕХНИК PASPORT»нинг орқа томонида техника тўғрисидаги маълумотлар; ишлаб чиқарилган йил, тури, кузов/шасси рақами, тўла вазни, юксиз вазни, двигателининг тоифаси ва қуввати, ёнилғи тури, алоҳида белгилар мажбурий тартибда кўрсатилади.

Қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш техникаларини давлат рўйхатидан ўтказиш

тартиби тўғрисидаги **низомга**

2-ИЛОВА

Техник паспорт берилмайдиган қишлоқ хўжалиги, йўл-қурилиш, мелиоратив ва бошқа мақсадларга мўлжалланган тупроққа ва экинларга ишлов берувчи, юк ортувчи, дон ва уруғни қайта ишлашга мўлжалланган машиналар, чорвачилик, паррандачилик ва ем-хашак ишлаб чиқариш машина ва технологик ускуналари, кичик механизация мосламаларига бериладиган техник гувоҳноманинг

НАМУНАСИ

Олд томони

		ЎЗБЕКИСТОН УЗБЕКИСТАН UZBEKISTAN	ТЕХНИК ГУВОҲНОМА ТЕХНИЧЕСКОЕ СВИДЕТЕЛЬСТВО UNIT CERTIFICATE
NOMI <small>НАИМЕНОВАНИЕ / TYPE</small> RUSUMI / MODELI <small>МАРКА / MODEL / BRAND / MODEL</small> RANGI <small>ЦВЕТ / VEHICLE COLOUR</small> EGASI <small>ВЛАДЕЛЕЦ / OWNER</small>	1. NOMI 2. RUSUMI / MODELI 3. RANGI 4. EGASI	QORAQALPOQISTON RESPUBLIKASI ANDIJON VILOYATI BUXORO VILOYATI JIZZAX VILOYATI GASHGADARYO VILOYATI NAVOIY VILOYATI NAMANGAN VILOYATI SAMARGAND VILOYATI SIRDARYO VILOYATI SURXONDARYO VILOYATI TOSHKENT VILOYATI FARG'ONA VILOYATI XORAZM VILOYATI TOSHKENT SHAHRI	
MANZILI <small>АДРЕС / ADDRESS</small>	5. MANZILI		
BERILGAN SANASI <small>ДАТА ВЫДАЧИ / DATE OF ISSUE</small> INSPEKSIYANING BO'LIMI <small>ИНСТАНЦИЯ / ISSUING AUTHORITY</small> JSH SHIR / STIR <small>ФИЗИЧЕСКОЕ ЛИЦО / PERSONAL ID NUMBER / TIN</small>	6. BERILGAN SANASI 7. INSPEKSIYANING BO'LIMI 8. JSH SHIR / STIR		

Орқа томони

ISHLAB CHIQARILGAN YILI <small>ГОДА ВЫПУСКА / YEAR OF MANUFACTURE</small>	9. ISHLAB CHIQARILGAN YILI	SERIYA RAQAMI
TURI <small>ТИП / TYPE</small>	10. TURI	
AGREGAT RAQAMI <small>НОМЕР АГРЕГАТА / UNIT IDENTIFICATION NUMBER</small>	11. AGREGAT RAQAMI	
TO'LA VAZNI <small>ПОЛНОВАЕСА / MAXIMUM WEIGHT</small>	12. TO'LA VAZNI (kg)	
YUKSIZ VAZNI <small>МАССА БЕЗ НАГРУЗКИ / MAX. WEIGHT OF THE UNIT IN SERVICE</small>	13. YUKSIZ VAZNI (kg)	QORAQALPOQISTON RESPUBLIKASI ANDIJON VILOYATI BUXORO VILOYATI JIZZAX VILOYATI GASHGADARYO VILOYATI NAVOIY VILOYATI NAMANGAN VILOYATI SAMARGAND VILOYATI SIRDARYO VILOYATI SURXONDARYO VILOYATI TOSHKENT VILOYATI FARG'ONA VILOYATI XORAZM VILOYATI TOSHKENT SHAHRI
VAZIFASI <small>НАЗНАЧЕНИЕ / APPOINTMENT</small>	14. VAZIFASI	
ALOHIDA BELGILAR <small>ОСОБЫЕ ОТМЕЧЕНИЯ / SPECIAL MARKS</small>	15. ALOHIDA BELGILAR	

Техник гувоҳноманинг

ТАСНИФИ

Техника рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги «ТЕХНИК GUVONNOMA» халқаро стандартлар тавсиялари асосида 54x86 мм ўлчамда пластикдан тайёрланади. Техника рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги «ТЕХНИК GUVONNOMA»нинг ранги — кулранг пушти. Лотин ёзувидаги давлат тилидан фойдаланилади. Серияли рақам — тўрт ҳарфли (UZ-TG), номери — олти рақамли.

Техника рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги «ТЕХНИК GUVONNOMA»да жисмоний шахс учун — шахсий идентификация рақами (ЖШ ШИР), юридик шахс учун — солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР) ва қурилмалар ўртасида бевосита алоқасиз ахборот айирбошлаш имконини берувчи электрон белги (NFC Смарт-карт) бўлади.

Техника рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги «ТЕХНИК GUVONNOMA»нинг пластик шакли қуйидаги ҳимоя воситаларига эга:

микроматн — «ТЕХНИК GUVONNOMA», Техническое свидетельство, Vehicle license», ўлчами-максимум 30 микрон;

ультрабинафша қоплама;

«UZ» ёзувли, эгилганда бир рангдан бошқа рангга товланадиган оптик турланадиган бўёқ;

гильош, доимий равишда қийшайиб турадиган 40 — 70 мкм қалинликдаги тўлқинли чизикларнинг қалин тармоғи шаклидаги нақш;

гувоҳнома пластик шаклининг серияли рақамининг лазер ўйма нақши.

Техник паспортнинг олд томонида «ТЕХНИК GUVONNOMA», «Техническое свидетельство», «Vehicle license» сўзлари ёзилган, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғининг тасвири туширилган, «Ўзбекистон Республикаси» сўзлари давлат тилида, рус ва инглиз тилларида ёзилган. Техниканинг номи, маркаси, модели, ранги, эгаси тўғрисидаги маълумотлар (фамилияси, исми, отасининг исми ёки ташкилотнинг номи, манзили), рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги «ТЕХНИК GUVONNOMA» берилган сана, Инспекциянинг тегишли бўлими («Агросаноат мажмуида хизматлар кўрсатиш маркази» давлат унитар корхонасининг тегишли бўлими), жисмоний шахс учун — шахсий идентификация рақами (ЖШ ШИР), юридик шахс учун — солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР) мажбурий тартибда кўрсатилади.

Техника рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги «ТЕХНИК GUVONNOMA»нинг орқа томонида техника тўғрисидаги маълумотлар; ишлаб чиқарилган йил, тури, агрегат рақами, тўла вазни, юксиз вазни, вазифаси, алоҳида белгилар мажбурий тартибда кўрсатилади.

Қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш техникаларини давлат рўйхатидан ўтказиш

тартиби тўғрисидаги **низомга**

3-ИЛОВА

Қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш техникаларини давлат рўйхатидан ўтказиш

СХЕМАСИ

Субъектлар	Тадбирлар	Муддатлар
Юридик ва жисмоний шахслар	Техникани давлат рўйхатидан (вақтинчалик ёки қайта рўйхатдан) ўтказиш бўйича юридик шахслар мазкур Низомга 3-иловага, жисмоний шахслар эса 4-иловага мувофиқ ёзма ариза, шунингдек мазкур Низомнинг 19, 20, 21-бандларида (вақтинчалик ёки қайта рўйхатдан ўтказиш учун 33, 34, 35, 36 ҳамда 50, 51, 52-бандларида) кўрсатилган маълумотларни ва техникани давлат рўйхатидан ўтказиш учун белгиланган йиғим суммаси тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этиш	Мурожаат қилинганда
Марказ	Юридик ва жисмоний шахслар томонидан техникани давлат рўйхатидан (вақтинчалик ёки қайта рўйхатдан) ўтказиш бўйича тақдим этилган ёзма аризани кўриб чиқиш	Мурожаатдан сўнг 1 кун мобайнида
Марказ	Давлат рўйхатидан (вақтинчалик ёки қайта рўйхатдан) ўтказилаётган техникага Марказ томонидан илгари берилган давлат рақами белгисини, техник паспорти ёки техник гувоҳномасини, шунингдек, чет эл ҳужжатлари ва рўйхатдан ўтиш рақамли белгиларини (мавжуд бўлганда) қайтариб олиш (вақтинчалик рўйхатдан ўтказилганда илгари берилган давлат рақами белгиси, техник паспорти ёки техник гувоҳномаси қайтариб олинмайди)	Мурожаатдан сўнг 2 кун мобайнида
Марказ	Техникани давлат рўйхатидан (вақтинчалик ёки қайта рўйхатдан) ўтказиш ва мазкур Низомга 2 ва 3-иловадаги намунада техник паспорт ёки техник гувоҳнома ва 6-иловадаги намунада давлат рақами белгиларини мулкдорга бериш (вақтинчалик рўйхатдан ўтказилганда давлат рақами белгиси, техник паспорти ёки техник гувоҳнома берилмайди)	Мурожаатдан сўнг 2 кун мобайнида
Юридик ва жисмоний шахслар	Республика ҳудудидан техника товар сифатида четга чиқарилганда, шунингдек, техника кейинги фойдаланувга яроқсиз деб ҳисобланганда техникани ҳисобдан чиқариш бўйича ариза ва мазкур Низомнинг 57 ва 59-бандларида кўрсатилган маълумотларни ва белгиланган йиғим суммаси тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этиш	Мурожаат қилинганда
Марказ	Давлат рўйхатидан (вақтинчалик ёки қайта рўйхатдан) ўтказилган, ҳисобдан чиқарилган техникалар тўғрисида қайд этиш китобига ва электрон базага тегишли ўзгартириш киритиш	Мурожаатдан сўнг 3 кун мобайнида
Юридик ва жисмоний шахслар	Эгалик ҳуқуқи ва ҳужжатлари мавжуд бўлмаган техникаларни расмийлаштириш ва рўйхатга қўйиш бўйича ёзма ариза ва белгиланган йиғим тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим	Мурожаат қилинганда

Қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш техникаларини давлат рўйхатидан ўтказиш
тартиби тўғрисидаги **низомга**
4-ИЛОВА

Марказнинг _____ га

_____дан (юрidik шахснинг номи)

А Р И З А

Сиздан _____

(сўровнинг қисқача мазмуни)

_____ техникани _____

(рўйхатдан, қайта ёки вақтинчалик рўйхатдан ўтказиш)

_____ сўраймиз.

Аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

1. Техника олинганлиги ҳақидаги нотариал ҳужжат ёки шартнома нусхаси.

20__ й. «__» _____ -сон, _____ дан берилган.

(қайси нотариал идора томонидан берилган)

2. Техника ишлаб чиқарилган корхона томонидан берилган техник ҳужжат, техник паспорт ёки гувоҳнома.

Олинган техника ҳақида маълумотлар

1	Тури, номи		5.	Русуми	
2	Ишлаб чиқарилган йили		6.	Ишлаб чиқарувчиси	
3	Техник паспорт рақами		7.	Корхона (завод) рақами	
4	Двигатель рақами		8.	Шасси рақами	

Раҳбар _____
(имзо) _____ (Ф.И.О.)

Бош ҳисобчи _____
(имзо) _____ (Ф.И.О.)

Тел. рақами:

20__ йил

«__» _____

Техник паспорт рақами

Давлат рақами

Қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш техникаларини давлат рўйхатидан ўтказиш
тартиби тўғрисидаги **низомга**
5-ИЛОВА

Марказнинг _____ га
_____ дан (фуқаронинг Ф.И.О.)

А Р И З А

Фуқаро, _____ «__» _____ 20__ йилда туғилган, доимий яшаш
манзили _____

_____ фуқаролик
паспорти серияси ва рақами _____, _____ ИИБ томонидан 20__ йил
«__» _____ да берилган.

Менга тегишли _____

(сўровнинг қисқача мазмуни)

_____ техникани _____

_____ сўрайман.

(рўйхатдан, қайта ёки вақтинчалик рўйхатдан ўтказиш)

Аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

1. Техника олинганлиги ҳақидаги нотариал ҳужжат.

20__ й. «__» _____ -сон, _____ дан берилган.

(қайси нотариал идора томонидан берилган)

2. Техника ишлаб чиқарилган корхона томонидан берилган техник ҳужжат, техник паспорт ёки гувоҳнома.

Олинган техника ҳақида маълумотлар

1.	Тури, номи		5.	Русуми	
2.	Ишлаб чиқарилган йили		6.	Ишлаб чиқарувчиси	
3.	Техник паспорт рақами		7.	Корхона (завод) рақами	
4.	Двигатель рақами		8.	Шасси рақами	

Фуқаро _____
(имзо) _____ (Ф.И.О.)

Тел. рақами:

20__ йил

«__» _____

_____ Техник паспорт
рақами _____

Давлат рақами _____

Қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш техникаларини давлат рўйхатидан ўтказиш
тартиби тўғрисидаги **низомига**
6-ИЛОВА

Қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш техникалари ҳамда ўзйюармашиналарнинг давлат рақами белгилари

НАМУНАЛАРИ

I тип — юридик шахсларнинг тракторлари, йўл-қурилиш ва мелиоратив техникаси, ўзйюар машиналарга бериладиган давлат рақами белгилари кабинанинг орқа қисмига маҳкамланади.

Давлат рақами белгисининг фони оқ рангда, четки қисми, рақам ва ҳарфлари қора рангда. Чап қисмида рўйхатга олиш сонлари билан баравар қилиб тракторнинг шартли расми, қуйида чап томонда фарқловчи ҳарфлар гуруҳлари ва ўнг томонда ҳудуднинг коди*, Ўзбекистон Республикасининг байроғи ва UZ ҳарфлари тасвирланган.



II тип — жисмоний шахсларнинг тракторлари, йўл-қурилиш ва мелиоратив техникаси, ўзйюар машиналарга бериладиган давлат рақами белгилари кабинанинг орқа қисмига маҳкамланади.

Давлат рақами белгисининг фони сариқ рангда, четки қисми, рақам ва ҳарфлари қора рангда. Чап қисмида рўйхатга олиш сонлари билан баравар қилиб тракторнинг шартли расми, қуйида чап томонда фарқловчи ҳарфлар гуруҳлари ва ўнг томонда ҳудуднинг коди*, Ўзбекистон Республикасининг байроғи ва UZ ҳарфлари тасвирланган.



III тип — юридик шахсларнинг трактор тиркамаларига бериладиган давлат рақами белгилари тиркаманинг орқа қисмига маҳкамланади.

Давлат рақами белгисининг фони оқ рангда, четки қисми, рақам ва ҳарфлари қора рангда. Қуйида чап томонда фарқловчи ҳарфлар гуруҳлари ва ўнг томонда ҳудуднинг коди*, Ўзбекистон Республикасининг байроғи ва UZ ҳарфлари тасвирланган.



IV тип — жисмоний шахсларнинг трактор тиркамаларига бериладиган давлат рақами белгилари тиркаманинг орқа қисмига маҳкамланади.

Давлат рақами белгисининг фони сариқ рангда, четки қисми, рақам ва ҳарфлари қора рангда. Қуйида чап томонда фарқловчи ҳарфлар гуруҳлари ва ўнг томонда ҳудуднинг коди*, Ўзбекистон Республикасининг байроғи ва UZ ҳарфлари тасвирланган.



* Тракторлар, йўл-қурилиш ва мелиоратив техника, ўзиюлар машиналар, трактор тиркамаларига бериладиган рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларининг ҳудудий кодлари, шунингдек, рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларида қўлланадиган рақамлар ва лотин алифбоси ҳарфларининг намуналари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Автомототранспорт воситалари учун рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларининг янги намуналарини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2007 йил 27 июндаги 131-сон қарорига 1 ва 3-иловаларга мувофиқ белгиланади.

Қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш техникаларини давлат рўйхатидан ўтказиш
тартиби тўғрисидаги низомга
7-ИЛОВА

Марказнинг _____ га
_____ ДАН (юридик ёки жисмоний шахснинг номи)

А Р И З А

Сиздан _____

(сўровнинг қисқача мазмуни)

_____ техникани _____

қисмига ўзгартириш киритиш ва қайта жиҳозлашга рухсат беришингизни сўраймиз.

Аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

1. Техника олинганлиги ҳақидаги нотариал ҳужжат ёки шартнома нусхаси.

20__ й. «__» _____ -сон, _____ дан берилган.

(қайси нотариал идора томонидан берилган)

2. Техника ишлаб чиқарилган корхона томонидан берилган техник ҳужжат, техник паспорт ёки гувоҳнома.

Олинган техника ҳақида маълумотлар

1.	Тури, номи		5.	Русуми	
2.	Ишлаб чиқарилган йили		6.	Ишлаб чиқарувчиси	
3.	Техник паспорт рақами		7.	Корхона (завод) рақами	
4.	Двигатель рақами		8.	Шасси рақами	

Мулк _____
эгаси _____
(имзо) (Ф.И.О.)

Бош ҳисобчи _____

—

(юридик шахслар учун) (имзо)

(Ф.И.О.)

Тел. рақами:

20__ йил

«__» _____

Техник паспорт рақами

Давлат рақами

Қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш техникаларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги **низомга**
8-ИЛОВА

Техникага ўзгартириш киритиш ва уни қайта жиҳозлашни амалга ошириш учун РУХСАТНОМА

Мулк эгаси: _____

Манзили: _____

Техника ҳақида маълумотлар

1.	Тури, номи		5.	Русуми	
2.	Ишлаб чиқарилган йили		6.	Ишлаб чиқарувчиси	
3.	Техник паспорт рақами		7.	Корхона (завод) рақами	
4.	Двигатель рақами		8.	Шасси рақами	

Техникага киритилаётган ўзгартириш ва уни қайта жиҳозлашдан кейинги маълумотлар

1.	Тури, номи		5.	Русуми	
2.	Ишлаб чиқарилган йили		6.	Ишлаб чиқарувчиси	
3.	Техник паспорт рақами		7.	Корхона (завод) рақами	
4.	Двигатель рақами		8.	Шасси рақами	

9. Техникага киритилган ўзгартириш ва уни қайта жиҳозлашнинг умумий техник регламент талабларига жавоб бериши: _____

(жавоб беради/жавоб бермайди)

10. Техникада ўзгартирилган рақамли агрегат олинганлиги тўғрисида ҳужжат: _____

11. Қўшимча маълумотлар: _____

12. _____

(Марказ бўлими ёки бўлинмаси номи)

(лавозими)

(Ф.И.О.)

(имзо)

м.ў. Рухсатнома берилган сана: 20__ йил «__» _____

Қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш техникаларини давлат рўйхатидан ўтказиш
тартиби тўғрисидаги **низомга**
9-ИЛОВА

Марказнинг _____ га

_____ дан (юридик ёки жисмоний шахснинг
номи)

А Р И З А

Сиздан _____

(сўровнинг қисқача мазмуни)

_____ техникани рўйхатдан чиқаришингизни сўраймиз.

Аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

1. Техника олинганлиги ҳақидаги нотариал ҳужжат ёки шартнома нусхаси.

20__ й. «__» _____ -сон, _____ дан берилган.

(қайси нотариал идора томонидан берилган)

2. Техника ишлаб чиқарилган корхона томонидан берилган техник ҳужжат, техник паспорт ёки гувоҳнома.

Олинган техника ҳақида маълумотлар

1.	Тури, номи		5.	Русуми	
2.	Ишлаб чиқарилган йили		6.	Ишлаб чиқарувчиси	
3.	Техник паспорт рақами		7.	Корхона (завод) рақами	
4.	Двигатель рақами		8.	Шасси рақами	

Мулк
эгаси _____

(имзо)

_____ (Ф.И.О.)

Бош ҳисобчи _____

(юридик шахслар
учун)

(имзо)

_____ (Ф.И.О.)

Тел. рақами:

20__ йил

«__»_____

Техник паспорт рақами

Давлат рақами

Давлат рақами белгиси олинди _____
М.Ў. (имзо) (масъул ходим Ф.И.О.)

Қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш техникаларини давлат рўйхатидан ўтказиш
тартиби тўғрисидаги **НИЗОМГА**
10-ИЛОВА

(ТМ-1 ШАКЛ)

Қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш техникаси
хамда ўзйорар машиналар тўғрисида

М А Ъ Л У М О Т Н О М А № _____

Техниканинг тақиқлари тўғрисида маълумот _____
(тақиққа олинган, қайта олинган, олинмаган)

Техника эгаси тўғрисидаги маълумотлар:

1. _____
(ташкilot номи ёки мулк эгасининг Ф.И.О.)

2. _____
(манзили)

Техника тўғрисидаги маълумотлар

1. _____ Номи 5. _____ Ишлаб чиқарилган йили

2. _____ Русуми 6. _____ Двигатель рақами

3. _____ Завод рақами 7. _____ Двигатель русуми

4. _____ Техник паспорт серияси ва рақами 8. _____ Рўйхатга қўйилган санаси

9. Қўшимча маълумотлар: _____

10. _____

(Марказнинг бўлими
ёки бўлинмаси номи)

(лавозими, махсус
гувоҳнома рақами)

М.Ў. Маълумотнома берилган сана: 20__ йил «__» _____

Изоҳ. Ушбу маълумотнома техникаларнинг олди-сотдиси бўлганда, совға қилинганда, мерос қилиб қолдирилганда ёки бошқа ҳолларда шартнома тузилишида нотариал идоралар, савдо биржалари ва бошқалар томонидан талаб қилиниши лозим. Ушбу маълумотнома билан бирга техник па?порт тақдим этилиши шарт. Маълумотноманинг амал қилиш муддати 10 кун. Маълумотнома техниканинг нархини белгилашга ва ажратиладиган кредит суммасига, лизингга беришга асос бўла олмайди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 17 апрелдаги 325-сон қарорига
3-ИЛОВА

Тракторчи-машинистларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, таълим муассасаларини ҳисобга олиш, имтиҳонларга кириш ва уни ўтказиш ҳамда қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш техникаларини бошқариш ҳуқуқини берувчи тракторчи-машинист гувоҳномасини бериш тартиби тўғрисида

НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом тракторчи-машинистларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича таълим муассасаларини ҳисобга олиш, имтиҳонларга рухсат бериш, имтиҳонлар олиш, қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш техникаларини (кейинги ўринларда техника деб аталади) бошқариш ҳуқуқини берувчи тракторчи-машинист гувоҳномасини бериш тартибини белгилайди

Тракторчи-машинистларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш таълим муассасаларига олий таълим ва малака ошириш муассасалари, касб-хунар коллежлари ҳамда йўналиш бўйича таълим бериш лицензиясига эга бўлган бошқа давлат, нодавлат юридик шахслар қиради.

2. Мазкур Низом бўйича тракторчи-машинистларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича таълим муассасаларини ҳисобга олиш, имтиҳонларга рухсат бериш, имтиҳонлар олиш, қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш техникаларини (кейинги ўринларда техника деб аталади) бошқариш ҳуқуқини берувчи тракторчи-машинист гувоҳномасини беришни назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси (кейинги ўринларда Инспекция деб аталади) томонидан, бу борада кўрсатиладиган хизматлар Инспекция ҳузуридаги «Агросаноат мажмуида хизматлар кўрсатиш маркази» давлат унитар корхонаси (кейинги ўринларда Марказ деб аталади) томонидан амалга оширилади.

Мазкур Низомнинг **1-иловасига** мувофиқ пластик шаклдаги тракторчи-машинист гувоҳномаси унинг намунаси ва таснифига мувофиқ равишда Марказ томонидан тайёрланади.

3. Барча қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш техникалари ҳамда ўзиюрар машиналар, уларнинг тури, вазифаси ва бошқариш хусусиятларига кўра «А», «В», «С», «D», «E» ва «F» тоифаларига бўлинади. Уларни бошқариш учун берилган тракторчи-машинист гувоҳномасининг тегишли катагида рухсат берувчи белги қўйилади.

4. Тракторчи-машинист гувоҳномасининг «А», «В», «С», «D», «E» ва «F» катагида рухсат берувчи белгиси бўлган шахслар қуйидаги транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқига эга:

«А» тоифа — 30 от кучигача бўлган ғилдиракли тракторлар;
«В» тоифа — 30 от кучи ва ундан юқори от кучига эга бўлган ғилдиракли тракторлар;

«С» тоифа — занжирли тракторлар;

«D» тоифа — механик трансмиссияли ўзиюрар қишлоқ хўжалиги машиналари;

«Е» тоифа — гидростатик трансмиссияли ўзиюрар қишлоқ хўжалиги машиналари;

«F» тоифа — ўзиюрар мелиорация ва йўл-қурилиш техникалари.

Тракторчи-машинист гувоҳномаси малакасига кўра уч классга бўлинади ва тракторчи-машинистларга:

III, II ва I класс берилади.

Класслар тракторчи-машинист гувоҳномасининг алоҳида белгилар учун ажратилган қисмига ёзилади.

2-боб. Қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш техникалари ҳамда ўзиюрар машиналарни бошқарувчи тракторчи-машинистларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш билан шуғулланувчи таълим муассасаларига қўйиладиган талаблар ва ушбу муассасаларни ҳисобга олиш

5. Тракторчи-машинистларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, таълим муассасаларини ҳисобга олиш мазкур Низомга **2-иловага** мувофиқ схема бўйича амалга оширилади.

6. Давлат ёки нодавлат таълим муассасалари (кейинги ўринларда таълим муассасаси деб аталади) тракторчи-машинистларни тайёрлаш ёки қайта тайёрлаш бўйича ўз фаолиятини бошлагунга қадар Инспекцияга белгиланган тартибда мурожаат қилади.

Инспекциянинг туман (шаҳар) бўлимларининг буйруғига асосан тузилган текширув комиссия томонидан тракторчи-машинистларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш билан шуғулланувчи таълим муассасасининг моддий-техника ва ўқув-методик базаси кўрикдан ўтказилади.

7. Таълим муассасасининг ушбу Низом талабларига мувофиқлигини ўрганиб чиқилиши яқунлари бўйича Низомга **3-иловага** мувофиқ намунада икки нусхада далолатнома тузилади ва Инспекциянинг туман (шаҳар) бўлими томонидан тасдиқланади. Далолатноманинг бир нусхаси Инспекцияда, иккинчи нусхаси таълим муассасасида сақланади.

8. Комиссия томонидан тасдиқланган далолатнома бўйича Инспекциянинг туман (шаҳар) бўлими таълим муассасасига хулоса беради.

Инспекциянинг туман (шаҳар) бўлими томонидан давлат ёки нодавлат таълим муассасасига берилган хулосанинг биринчи нусхаси ҳисобга қўйиш учун Инспекцияда сақланади, иккинчи нусхаси эса таълим муассасасига берилади.

Таълим муассасаларини Инспекцияда ҳисобга қўйиш таълим муассасасининг номи, манзили, банк реквизитлари, уставни тасдиқлаш (рўйхатдан ўтказиш) тўғрисидаги гувоҳнома рақами, тайёрланадиган тракторчи-машинистларнинг тоифалари кўрсатилган ҳолда алоҳида журналда юритилади.

9. Таълим муассасалари ўқув гуруҳларининг сони, назарий ва амалий машғулотларнинг бошланиши ва ўқиш муддати тўғрисидаги қарорларини Инспекция билан келишади.

10. Ўқув гуруҳларидаги ўқувчилар рўйхати машғулотлар бошланишидан аввал Марказга тақдим этилади. Рўйхат Марказ томонидан ўқув гуруҳларини рўйхатга олиш китобида қайд этилади.

11. Инспекция туман (шаҳар) бўлими буйруғига асосан тузиладиган текширув комиссияси Инспекция органи, Марказ, давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг ҳамда нодавлат ноижорат ташкилотларининг вакилларида иборат таркибда тузилади.

Комиссия ўрганиш давомида ўқув муассасасининг қуйидаги талабларга жавоб беришини кўриб чиқади:

камида 48 кв.м. майдонга эга бўлган ўқув хоналарининг мавжудлиги, номзодлар учун зарур шароитлар яратилганлиги, белгиланган талабларга мувофиқ моддий-техника жиҳозлари билан таъминланганлиги;

таълим муассасасининг иш режасига киритилган қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш техникалари ҳамда ўзиюлар машиналарни бошқариш бўйича амалий машғулотларни тўлиқ ўтказиш учун ёнилғи-мойлаш материаллари билан таъминланганлиги;

муҳандис-педагоглар, инструкторлар ҳамда ишлаб чиқариш усталарининг маълумоти ва билим даражаси;

тракторчи-машинистликка номзодларга амалий бошқаришни ўргатиш учун белгиланган талабларга мувофиқ жиҳозланган майдонча, дала майдончаси, техника ёки ундан фойдаланиш тўғрисида шартноманинг мавжудлиги.

Таълим муассасасига унга мулк ёки ижара ҳуқуқи асосида тегишли бўлган ўқув хоналаридан, улардаги жиҳозлар ва машқ техникаларидан ўқув машғулотлари жараёнида фойдаланилади.

12. Тракторчи-машинистларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш гуруҳларида номзодлар сони 25 кишидан ошиши мумкин эмас.

13. Инспекцияда белгиланган тартибда ҳисобга олинган таълим муассасаларининг ўқув моддий-техника базаси ва фаолияти ҳар йили камида бир марта, ўқув гуруҳларининг ўқув жараёни эса — ҳар ойда камида бир марта текширилади. Текширув натижалари бўйича далолатнома тузилиб, иш фаолиятида йўл қўйилган камчиликларни бартараф этмаётган таълим муассасаларига нисбатан қонунчиликда белгиланган таъсир чоралари қўлланилиши орқали муносабат билдирилади.

14. Агар камчиликлар мавжуд таълим муассасаси таъсир чораларида кўрсатилган муддат мобайнида камчиликларни бартараф этмаса, янги ўқув гуруҳларини Инспекцияда рўйхатдан ўтказиш тўхтатилади ва мазкур йўналиш бўйича ўқитишни тўхтатиш ёки лицензиясини бекор қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекциясига тақдимнома киритилади.

15. Янги ўқув гуруҳларини рўйхатдан ўтказиш кўрсатмадаги камчиликлар таълим муассасаси томонидан бартараф этилганидан сўнг унинг фаолиятини қайта йўлга қўйишга рухсат этилади.

16. Инспекцияда тракторчи-машинистларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш билан шуғулланувчи таълим муассасалари бўйича назорат-кузатув йиғмажилди юритилади. Унда таълим муассасаларининг моддий-техник базаси, ўқув техникаларининг рўйхати, амалий машғулот ўтказиладиган йўналишли харита нусхаси, ўқув гуруҳларини текшириш ҳақидаги маълумотлар, текшириш далолатномалари, йил давомида амалга оширилган ишларнинг таҳлили ва бошқа маълумотлар жамланади.

3-боб. Марказда қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш техникалари ҳамда ўзиюлар машиналарни бошқариш ҳуқуқини берувчи гувоҳнома олиш учун имтиҳон топширишга рухсат бериш

17. Қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш техникаларини бошқариш ҳуқуқини берувчи тракторчи-машинист гувоҳномасини олиш учун имтиҳонлар топширишга рухсат бериш мазкур Низомга 2-иловага мувофиқ схема бўйича амалга оширилади.

18. Таълим муассасаларида таълим олган шахслар «А», «В», «С», «D», «E» ва «F» тоифаларидаги қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш техникалари ҳамда ўзиюрар машиналарни бошқариш ҳуқуқини берувчи гувоҳномани олиш учун таълим муассасасини тугатганлиги тўғрисидаги гувоҳнома билан доимий ёки вақтинчалик яшаш жойларидаги Марказга мурожаат қилади.

19. III классдаги техникаларни бошқариш ҳуқуқини берувчи тракторчи-машинист гувоҳномасини олиш учун 280 соатдан кам бўлмаган назарий ва амалий ўқув дастури асосида таълим муассасаларини битирган, таълим муассасалари томонидан берилган (сертификат, гувоҳнома ва ҳ.к.) ҳужжатга эга бўлган;

II ёки I классдаги техникаларни бошқариш ҳуқуқини берувчи тракторчи-машинист гувоҳномаси олиш учун уч йил иш стажига эга бўлган ёки техника йўналиши бўйича таълим муассасаларида 86 соатли малака ошириш ўқув дастури асосида қайта ўқиган фуқароларга имтиҳонлар топширишга рухсат этилади.

20. Ўқув муддати якунида тракторлар ҳамда ўзиюрар машиналарни бошқариш йўналиши бўйича 18 ёшга тўлган, II ёки I классдаги техникаларни бошқариш йўналиши бўйича эса — 21 ёшга тўлган шахсларга имтиҳон топширишга рухсат этилади.

21. Назарий имтиҳонда имтиҳон топширувчининг йўл ҳаракати, тракторлар ҳамда ўзиюрар машиналар хавфсизлиги қоидалари ва ўқув дастурида назарда тутилган фанлар бўйича билими текширилади;

амалий имтиҳонда қайси тоифали тракторлар ҳамда ўзиюрар машиналарни бошқариш ҳуқуқини берувчи гувоҳнома учун фақат шу тоифадаги техникани бошқариш бўйича топширувчининг малакаси текширилади.

22. Алоҳида шартлар бўйича ишловчи тракторлар ҳамда ўзиюрар машиналарни бошқарувчи шахслар йилига бир маротаба Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланган муддатда мажбурий равишда тиббий кўрикдан ўтказилади.

23. Агар Марказда фуқароларга тракторчи-машинист гувоҳномасини беришда уларнинг соғлиғига нисбатан шубҳа туғилганда, унга белгиланган тартибда тиббий кўрикдан қайта ўтиш учун йўлланма берилиши мумкин.

24. Агар фуқаро тиббий кўрикдан қайта ўтишдан бўйин товласа ёки у тиббий комиссия томонидан техникани бошқаришга нолайиқ деб топилса, унга доир ҳужжатлар Марказ томонидан белгиланган тартибда бекор қилинади.

Тракторчи-машинистни тиббий кўрикдан қайта ўтказиш ҳақидаги қарор Марказ томонидан қабул қилинади.

25. Тракторчи-машинистларни техникани бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисидаги қарор қонунчиликда белгиланган тартибда қабул қилинади. Техникани бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилинган фуқаролар, тракторчи-машинист гувоҳномасини олиш учун, маҳрум қилиш муддатидан қатъи назар, мажбурий тиббий кўрикдан ўтишлари ҳамда назарий ва амалий имтиҳон топширишлари лозим.

26. Чет давлат фуқароларига тракторчи-машинист гувоҳномаларини бериш тартиби ушбу Низомда назарда тутилган умумий қоидалар асосида амалга оширилади.

4-боб. Имтиҳонларни ўтказиш, тракторчи-машинист гувоҳномасини бериш тартиби

27. Тракторчи-машинист гувоҳномасини олиш учун имтиҳонлар ўтказиш, тракторчи-машинист гувоҳномасини бериш мазкур Низомга 2-иловага мувофиқ схема бўйича амалга оширилади.

28. Имтиҳонларни қабул қилиш ва «А», «В», «С», «D», «E», «F» тоифаларидаги қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш техникалари ҳамда ўзиорар машиналарни бошқариш ҳуқуқини берувчи тракторчи-машинист гувоҳномаларни бериш Марказ томонидан амалга оширилади.

29. Барча тоифадаги қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш техникалари ҳамда ўзиорар машиналарни бошқариш ҳуқуқини бериш учун назарий ва амалий имтиҳонлар Инспекциянинг туман (шаҳар) бўлимлари буйруғи асосида тузиладиган комиссиялар томонидан қабул қилинади;

комиссия таркиби камида уч кишидан иборат бўлади, комиссия таркибига Инспекция органлари, Марказ вакили ва ҳамда бошқа нодавлат ноижорат ташкилотларининг вакиллари киритилиши мумкин;

имтиҳон комиссияси аъзолари йўл ҳаракати, техника хавфсизлиги қоидаларини ва имтиҳон олиш услубини билиши, бошқариш бўйича текшириладиган тоифадаги техникага оид билимларга эга бўлиши шарт.

30. Ўқув гуруҳлари машғулотлари якунланганидан сўнг тракторчи-машинист номзодларининг ўқув жараёнида дастурда кўрсатилган барча фанларни ўзлаштиргани тўғрисидаги маълумотлар Марказ томонидан текширилади ва уларнинг рўйхати тақдим этилган рўйхат билан солиштирилади, шундан кейин унинг имзоси билан тасдиқланади.

31. Тракторчи-машинист гувоҳномасини олиш учун номзодлар Марказга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

а) тегишли тоифадаги техникани бошқариш учун дастурлар бўйича ўқишни тугатганлиги ҳақидаги гувоҳнома;

б) диплом ва ўқув дастуридаги фанларни ўқиганлиги тўғрисидаги диплом варақасидан кўчирма нусхалар;

в) 3x4 см ўлчамдаги 2 та фотосурат;

г) соғлиғи тўғрисида маълумотнома;

д) имтиҳонни топширган ҳамда имтиҳондан ўтганларнинг тракторчи-машинист гувоҳномаси учун йиғимларни тўлаганлигини тасдиқловчи ҳужжат;

е) имтиҳон варақаси;

ё) фуқаронинг паспорти ёки унинг ўрнини босувчи бошқа ҳужжат;

ж) жисмоний шахсларнинг идентификация рақами (ЖШ ИР).

32. Имтиҳонлар жараёнида номзодларнинг аввал назарий билимлари, кейин амалий билимлари текширилади.

Назарий имтиҳондан ўтмаган шахслар амалий имтиҳонларга қўйилмайди.

33. Номзодлар, шунингдек, тракторчи-машинист гувоҳномасини алмаштириш ва техникани бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиш муддати тамом бўлгандан кейин тракторчи-машинист гувоҳномаси дубликатини олиш учун имтиҳонларга юборилган шахслар учун такрорий имтиҳонлар олдинги имтиҳондан сўнг камида ўн кун ўтгандан кейин ўтказилади.

Уч йил мобайнида имтиҳон синовларидан ўтмаган шахслар белгиланган тартибда яна таълим муассасаларида тайёрлаш ва қайта тайёрлашдан ўтишлари керак, тракторчи-машинист гувоҳномасини алмаштириш ва техникани бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиш муддати тамом бўлгандан кейин тракторчи-машинист гувоҳномаси дубликатини олиш учун имтиҳонларга юборилган шахслар бундан мустасно.

34. Назарий имтиҳонларда олинган ижобий баҳо икки ой давомида ҳақиқий ҳисобланади. Агар номзод ушбу муддатда амалий имтиҳонларни топшира олмаса, у қайта назарий имтиҳонга такроран юборилади.

35. Йўл ҳаракати, техника хавфсизлиги қоидалари ва амалий бошқариш бўйича номзоднинг натижалари мазкур Низомга 4-иловага мувофиқ тўлдириладиган «Тракторчи-машинистларга гувоҳномалар беришда имтиҳон натижалари тўғрисида имтиҳон варақаси»га ёзилади ҳамда имтиҳон комиссиясининг баённомаси билан расмийлаштирилади. Баённома имтиҳонда қатнашган комиссия аъзолари томонидан имзоланади ва Марказнинг масъул ходими томонидан тасдиқланади.

36. Назарий ва амалий имтиҳонларни топширган шахсларга мазкур баённома асосида тракторчи-машинист гувоҳномаси берилади.

Тракторчи-машинист гувоҳномасини қайд этиш китобига гувоҳноманинг серияси ва тартиб рақами ўсиши бўйича ёзилади ҳамда имтиҳон варақасида қайд этилади.

Тракторчи-машинист гувоҳномасидаги ёзувлар техник воситалар билан ёзилади.

37. Тракторчи-машинист гувоҳномаси берилишининг асослилиги ва тўғри тўлдирилганлиги Инспекция инспектори томонидан текширилиб, назорати олиб борилади.

Тракторчи-машинист гувоҳномаси берилганда фуқаронинг таълим муассасасини тамомлаганлиги ҳақидаги гувоҳномасига тракторчи-машинист гувоҳномаси ва талонининг серияси, рақами, қачон ва ким томонидан берилганлиги ёзиб қўйилади.

38. Тракторчи-машинист гувоҳномасида бошқаришга рухсат этилган техника тоифаси қайд этилади.

39. Тиббий комиссия томонидан қайта текширувдан ўтиш муддати белгиланган шахсларга тракторчи-машинист гувоҳномасини беришда қўшимча маълумот катагига «тмм» (тиббий маълумотнома мажбурий) ёзуви киритилади.

40. Тракторчи-машинист гувоҳномаси фақат унинг эгасига берилади. Мазкур шахс паспортини ёки унинг ўрнини босувчи ҳужжатни кўрсатиб, тракторчи-машинист гувоҳномаси беришни қайд этиш китобига шахсан имзо қўяди.

Тракторчи-машинист гувоҳномаси ўқув муассасасини тугатган фуқароларга Марказнинг ўқув муассасаси жойлашган туман (шаҳар) бўлими томонидан имтиҳон якуни бўйича берилиши мумкин.

Тракторчи-машинист гувоҳномаси ваколатнома (ишончнома) бўйича берилмайди.

5-боб. Тракторчи-машинист гувоҳномасини алмаштириш ҳамда дубликат бериш тартиби

41. Тракторчи-машинист гувоҳномасини алмаштириш белгиланган тартибда ариза, эски тракторчи-машинист гувоҳномаси фуқаронинг имтиҳон варақаси ёки тракторчи-машинист гувоҳномасини берган Марказ тасдиқномаси, тиббий маълумотнома ҳамда фуқаронинг паспорти ёки унинг ўрнини босувчи бошқа ҳужжат тақдим этилганидан сўнг, тасдиқланган ставка бўйича йиғимлар ундирилгач амалга оширилади.

42. Техникани охириги бир йил давомида бошқарган шахсларнинг тракторчи-машинист гувоҳномалари тегишли имтиҳонларсиз алмаштирилади.

43. Қуйидагилар техникаларни бир йил мобайнида бошқарганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар ҳисобланиши мумкин:

а) ишлаётган ходимлар ишлаётган жойида унга бириктирилган техника тури кўрсатилган маълумотнома (буйруқдан кўчирма);

б) шахсий техникалар учун — уларга тегишли бўлган техниканинг рўйхатдан ўтганлиги ҳақидаги ҳужжат (техник паспорт);

в) ишончнома ёки ижара шартномаси бўйича техникани бошқарган шахслар учун — техниканинг рўйхатдан ўтганлиги ҳақидаги қайд этиш гувоҳномаси ва уни бошқариш учун нотариал идора томонидан тасдиқланган ишончнома ёки ижара шартномаси.

44. Техникани охирги бир йил давомида бошқармаган шахсларнинг тракторчи-машинист гувоҳномалари назарий ва амалий имтиҳон топширганидан сўнг алмаштирилади.

45. Бир неча тоифали техникаларни бошқаришга рухсати бўлган шахс тракторчи-машинист гувоҳномасини алмаштиришда ўз хоҳишига кўра мавжуд тоифалардан бирортасини ёки тиббий кўрик хулосасига кўра белгиланган тоифалардан рухсат этилганини олиши мумкин.

Бунда амалий имтиҳон ўз хоҳиши билан қолдирган (ёки тиббий кўрик хулосасига кўра рухсат этилган) техника тоифаси бўйича олинади ва берилаётган тракторчи-машинист гувоҳномасида фақат ушбу тоифага рухсат белгиси қўйилади. Фуқаронинг аввал эга бўлган тоифаларини қайта тиклаш ушбу Низомнинг 42 ва 44-бандлари талабларига мувофиқ, унинг аризаси асосида амалга оширилади.

46. Яроқсиз ҳолга келган тракторчи-машинист гувоҳномаси ушбу Низомнинг 42 ва 45-бандларига мувофиқ алмаштирилади.

47. Тракторчи-машинист гувоҳномаси алмаштирилганда янги берилаётган гувоҳноманинг «Алоҳида белгилар учун» номли катагига биринчи мартаба олган эски гувоҳноманинг серияси, тартиб рақами ва берилган куни ёзиб қўйилади.

48. Тиббий кўрик маълумотномаси ва шахснинг имтиҳон варақаси барча реквизитлар тўлдирилгандан сўнг янги тракторчи-машинист гувоҳномаси билан бирга эгасига қайтариб берилади.

49. Йўқолган (ўғирланган, ёнғин, табиий офат оқибатида ва бошқа ҳолатларда) тракторчи-машинист гувоҳномаси дубликати фуқаронинг аризаси, имтиҳон варақаси, тиббий маълумотнома, зарур ҳолатларда, ўқишни тамомлаганлиги ҳақидаги таълим муассасасининг гувоҳномаси ёки Марказнинг тасдиқномаси ва тасдиқланган ставка бўйича йиғимлар асосида берилади.

50. Тракторчи-машинист гувоҳномасининг дубликатини расмийлаштириш давомида бир ой муддат билан вақтинчалик рухсатнома берилади. Тасдиқловчи ҳужжатлар олингунига қадар вақтинчалик рухсатнома муддатини яна бир ойгача узайтириш мумкин.

51. Йўқолган тракторчи-машинист гувоҳномасининг дубликати, техникани бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этилган фуқароларнинг картотекаси бўйича текширилгандан ва топилмалар бюросидан, Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматидан олиб қўйилмаганлиги тўғрисида маълумотнома олингандан сўнг берилади.

52. Гувоҳноманинг дубликати расмийлаштирилаётган вақтда берилган вақтинчалик рухсатнома алоҳида қайд этиш китобига ёзилади ва гувоҳнома нусхаси берилгандан кейин рухсатномага асос бўлган ҳужжатларга тикилади.

53. Тракторчи-машинист гувоҳномаси ўрнига дубликат гувоҳнома берилгандан кейин, йўқолган гувоҳнома топилган тақдирда, у ҳақиқий эмас деб ҳисобланади ва Марказга топширилади ҳамда белгиланган тартибда йўқ қилинади.

54. Эски нусхадаги тракторчи-машинист гувоҳномаларини янги нусхадаги тракторчи-машинист гувоҳномаларига алмаштиришда, фақат эски намунадаги тракторчи-машинист гувоҳномаси олинади, белгиланган ставкада йиғим ундирилгач, янги намунага алмаштирилади. Шубҳали ҳолатларда эски намунадаги тракторчи-машинист гувоҳномасини берилишининг қонунийлиги ўрганилади.

55. Хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳамда Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг хорижий давлатларда олган тракторчи-машинист гувоҳномаларини алмаштиришдан олдин улар Марказ томонидан Ташқи ишлар вазирлиги орқали текширилади. Текшириш натижасида тасдиқ олинган шахсларнинг тракторчи-машинист гувоҳномалари, улар тиббий кўрикдан ўтиб, назарий ва амалий имтиҳонларни топширганларидан сўнг, Ўзбекистон Республикасининг тракторчи-машинист гувоҳномаларига ушбу Низом асосида умумий тартибда алмаштирилади.

6-боб. Тракторчи-машинистларга юқори класс бериш тартиби

56. Тракторчи-машинистларга III класс уч йиллик узлуксиз шу йўналишдаги меҳнат фаолиятдан кейин ёки махсус малака ошириш ўқув дастури якунида Марказ томонидан имтиҳон олиш орқали II классга алмаштирилади.

57. II класс шу йўналишдаги уч йиллик узлуксиз меҳнат фаолиятдан кейин ёки махсус малака ошириш ўқув дастури якунида Марказ томонидан имтиҳон олиш орқали I классга алмаштирилади.

58. Тракторчи-машинистларга юқори класс беришда имтиҳон олиш ва гувоҳнома бериш учун белгиланган миқдорда тўлов ундирилади.

Тракторчи-машинистларга юқори класс берилаётганда тракторчи-машинист гувоҳномаси алмаштирилади ва класс қайд этилган ҳолда янгиси берилади.

7-боб. Тракторчи-машинист гувоҳномаларининг пластик бланкаларини тайёрлаш, улар билан таъминлаш ва ҳужжатларни сақлаш тартиби

59. Тракторчи-машинист гувоҳномаларининг пластик шаклдаги бланкаси Марказ буюртмасига асосан тайёрланади.

Буюртма, олти ойлик захирани инобатга олган ҳолда, Марказ томонидан берилади.

60. Тракторчи-машинист гувоҳномасининг пластик бланкалари жойларга Марказнинг ҳудудлардаги эҳтиёжларидан келиб чиқиб тақсимланади.

61. Тракторчи-машинист гувоҳномасининг пластик бланкаси сони, кирим ва чиқимлари ҳисобот китобида қайд этилади, уларнинг топширилиши тракторчи-машинист гувоҳномаси беришни қайд этиш китобида рўйхатга олинади.

62. Тракторчи-машинист гувоҳномасининг пластик бланкалари улар бўйича қатъий ҳисобот бериладиган ҳужжатлар тариқасида сақланади.

63. Тўлдириш жараёнида бузилган тракторчи-машинист гувоҳномасининг пластик бланкаси 3 кишидан кам бўлмаган комиссия томонидан тузилган далолатнома билан Марказнинг марказий аппаратида топширилади.

64. Тиббий кўрик хулосаси асосида техникани бошқариш ҳуқуқидан четлатилган, йўқолгани ўрнига дубликати берилгандан сўнг топиб олинган, маҳрум этилган муддатдан кейин икки йил давомида талаб қилиб олинмаган, вафот этган фуқароларнинг тракторчи-машинист гувоҳномалари 3 кишидан кам бўлмаган комиссия томонидан тузилган далолатнома билан Марказнинг марказий аппаратида топширилади.

65. Мазкур Низомда назарий ва амалий имтиҳонларни ўтказиш тартиби учун кўзда тутилган имтиҳон варақаси Марказ томонидан тайёрланади.

66. Тракторчи-машинист гувоҳномасини бериш учун асос бўлган ҳужжатлар (ариза, имтиҳон варақаси, эски тракторчи-машинист гувоҳномаси, тўлов қоғозлари ва бошқалар) ҳамда ўқув гуруҳларидаги ўқувчиларнинг рўйхати алоҳида иш ҳужжатлари сифатида тикилади ва белгиланган тартибда икки йил мобайнида сақланади.

Тракторчи-машинист гувоҳномасининг ўрнига янгиси берилганда эски тракторчи-машинист гувоҳномасига «Бекор қилинади» штамп қўйилиб, бошқа асос бўлувчи ҳужжатлар билан бирга тикилади.

Имтиҳон комиссияси баённомалари — 10 йил, тракторчи-машинист гувоҳномаларини бериш китоби — 45 йил мобайнида, Марказда белгиланган тартибда сақланади. Белгиланган муддат ўтгандан кейин ҳужжатлар давлат архивига топширилади.

8-боб. Яқунловчи қоидалар

67. Тракторчи-машинистларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, улардан имтиҳон олиш, тракторчи-машинист гувоҳномаларини бериш билан боғлиқ бўлган барча иш юритиш ҳужжатлари Инспекция томонидан тасдиқланган намуналар асосида олиб борилади.

68. Намунавий ўқув дастурлари Инспекция билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Касб-ҳунар таълим маркази томонидан ишлаб чиқилади ва тасдиқланади.

69. Барча ўзиюрар техникалар тракторчи-машинист гувоҳномасига эга бўлган шахслар томонидан бошқарилишига рухсат этилади.

70. Тракторчи-машинист гувоҳномасини бериш бўйича аризалар 3 иш кунида кўриб чиқилади. Алоҳида, қўшимча маълумот ёки аниқлаштириш лозим бўлган ҳолатларда эса — аризалар 10 иш кунида кўриб чиқилади.

Тракторчи-машинист гувоҳномасини бериш билан боғлиқ давлат хизматлари Инспекция бошлиғининг буйруғига асосан тўғридан-тўғри масъул инспекторлар томонидан ҳам кўрсатилиши мумкин.

71. Ушбу Низом талабларини бузиш, тракторчи-машинист гувоҳномасини қалбакилаштириш, тракторчи-машинист гувоҳномасига эга бўлмаган шахслар томонидан техникаларни бошқариш ҳамда бошқаришга рухсат этиш белгиланган тартибда жавобгарликка тортишга сабаб бўлади.

Тракторчи-машинистларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, таълим муассасаларини ҳисобга олиш, имтиҳонларга кириш ва уни ўтказиш ҳамда қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш техникаларини бошқариш ҳуқуқини берувчи тракторчи-машинист гувоҳномасини бериш тартиби

тўғрисидаги **низомга**

1-ИЛОВА

«Тракторчи-машинист гувоҳномаси»нинг

НАМУНАСИ

Олд томони



**ЎЗБЕКИСТОН
УЗБЕКИСТАН
UZBEKISTAN**

TRAKTORCHI-MASHINIST GUVOHNOMASI
УДОСТОВЕРЕНИЕ ТРАКТОРИСТА-МАШИНИСТА | DRIVING LICENCE



HAYDOVCHINING
RASMI

1. FAMILIYASI
2. ISMI
OTASINING ISMI
3. TUG'ILGAN JOYI VA SANASI
- 4a. BERILGAN SANASI 4b. AMAL QILISH MUDDATI
- 4c. BERILGAN JOYI
- 4d. JSH SHIR
5. GUVOHNOMA RAQAMI
8. YASHASH JOYI

QORAQALPOG'ISTON RESPUBLIKASI
ANDIJON VILOYATI
BUXARO VILOYATI
JIZZAX VILOYATI
DASHQADARYO VILOYATI
NAVOIY VILOYATI
NAMANGAN VILOYATI
SAMARQAND VILOYATI
SIRDARYO VILOYATI
SURXONDARYO VILOYATI
TOSHKENT VILOYATI
FARG'ONA VILOYATI
XORAZM VILOYATI
TOSHKENT SHAHRI

6. _____

7. SHAXSIY IMZO

9. TOIFALAR



SERIYA RAQAMI

Орқа томони

1. Familiyasi / Фамилия / Family Name
2. Ismi, Otasining ismi / Имя, Отчество / Given Names
3. Tug'ilgan joyi va sanasi / Место и дата рождения / Place & Date of Birth
- 4a. Berilgan sanasi / Дата выдачи / Date of Issue
- 4b. Amal qilish muddati / Действителен до / Date of Expiry
- 4c. Berilgan joyi / Выдан кем / Issuing Authority
- 4d. JSh Shir / ПИН ФЛ / Personal ID Number
5. Guvoohnoma raqami / Номер удостоверения / Licence Number
6. Haydovchining rasmi / Фото владельца / Owner's Photo
7. Shaxsiy imzo / Подпись / Signature
8. Yashash joyi / Место проживания / Place of Residence
9. Toifalar / Категории / Category
10. Har bir toifani boshqarish uchun ruxsat berilgan sanasi / Дата выдачи разрешения для каждой категории / Date of Issue per Category
11. Har bir toifani boshqarish uchun ruxsat berilgan muddati / Срок действия разрешения для каждой категории / Date of Expiry per Category
12. Har bir toifaga tegishli qo'shimcha ma'lumotlar / Дополнительные сведения по каждой категории / Additional information for each Category

	9.	10.	11.	12.
A 				
B 		SANA	MUDDAT	
C 				
D 				
E 				
F 				

Alohida bejgilar uchun _____
Для особых отметок
For special marks

«Тракторчи-машинист гувоҳномаси»нинг

ТАСНИФИ

Тракторчи-машинист гувоҳномаси халқаро стандартлар тавсиялари асосида пластикдан тайёрланади. Гувоҳнома ўлчами 54x86 миллиметрни ташкил этади.

Гувоҳноманинг ранги — очик кулранг яшил. Лотин ёзувидаги давлат тилидан фойдаланилади. Серияли рақами — тўрт ҳарфли (UZ-TM), номери — олти рақамли.

Тракторчи-машинист гувоҳномасида жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (ЖШ ШИР) ва курилмалар ўртасида маълумотларни бевосита алоқасиз амалга ошириш имконини берувчи махсус электрон белги (NFC Смарт-карта) бўлади.

Тракторчи-машинист гувоҳномасининг пластик шакли қуйидаги ҳимоя воситаларига эга:

Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири шаклидаги голограмма, у нишабликнинг турлича бурчагида ўз шаклини ўзгартиради;

микроматн — «TRAKTORCHI-MASHINIST GUVONNOMASI, «Удостоверение тракториста-машиниста», «Driving licence», ўлчами — максимум 30 микрон;

ультрабинафша қоплама;

«UZ» ёзуви, эгилганда бир рангдан бошқа рангга товланадиган оптик турланадиган бўёқ;

гильош, доимий равишда қийшайиб турадиган 40-70 мкм қалинликдаги тўлқинли чизикларнинг қалин тармоғи шаклидаги нақш;

тракторчи-машинист гувоҳномаси пластик шаклининг серияли рақамининг лазер ўйма нақши.

Тракторчи-машинист гувоҳномасининг олд томонида «TRAKTORCHI-MASHINIST GUVONNOMASI», «Удостоверение тракториста-машиниста», «Driving licence» сўзлари ёзилади, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғининг тасвири туширилган, Ўзбекистон Республикасининг номи давлат тилида, рус ва инглиз тилларида ёзилган, фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган жойи ва санаси, берилган санаси, амал қилиш муддати, берилган жойи, жисмоний шахсларнинг идентификация рақами ва юридик шахсларнинг солиқ тўловчи идентификация рақами, гувоҳнома рақами, яшаш жойи, тоифалари тўғрисидаги маълумотлар мажбурий тартибда кўрсатилади, фотосурат учун жой назарда тутилган.

Орқа томонида берилган санаси ва муддати мажбурий тартибда кўрсатилади.

1 — 12-бандлардаги маълумотлар қайд этилади.

Алоҳида белгилар учун жой назарда тутилган.

А, В, С, D, Е, ва F тоифаларини бошқариш учун тракторчи-машинист гувоҳномасининг ҳақиқийлиги тегишли пиктограммалар билан ифодаланган.

Тракторчи-машинистларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, таълим муассасаларини ҳисобга олиш, имтиҳонларга кириш ва уни ўтказиш ҳамда қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш техникаларини бошқариш ҳуқуқини берувчи тракторчи-машинист гувоҳномасини бериш тартиби

тўғрисидаги **низомга**

2-ИЛОВА

Тракторчи-машинистларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, таълим муассасаларини ҳисобга олиш, имтиҳонларга кириш ва уни ўтказиш ҳамда қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш техникаларини бошқариш ҳуқуқини берувчи тракторчи-машинист гувоҳномасини бериш

СХЕМАСИ

Субъектлар	Тадбирлар	Муддатлар
Давлат ёки нодавлат таълим муассасалари	Тракторчи-машинистларни тайёрлаш ёки қайта тайёрлаш бўйича ўз фаолиятини бошлашдан олдин Марказга белгиланган тартибда мурожаат қилиш ва хулоса олиш	Мурожаат қилинганда
Инспекция буйруғига асосан тузилган комиссия	Таълим муассасасининг моддий-техника ва ўқув-методик базасини мазкур Низомнинг 7-банди талаблари асосида кўриқдан ўтказиш	Мурожаат келиб тушгандан кейин 2 кун мобайнида
Инспекция буйруғига асосан тузилган комиссия	Таълим муассасасининг мазкур Низом талабларига мувофиқлигини ўрганиб чиқиш яқунлари бўйича Низомга 2-иловага мувофиқ намунада (икки нусхада) далолатнома тузиш	Мурожаат келиб тушгандан кейин 3 кун мобайнида
Инспекция	Комиссия қарори натижалари бўйича давлат ёки нодавлат таълим муассасаларига тракторчи-машинистларни тайёрлаш ёки қайта тайёрлаш фаолиятини бошлаш тўғрисида хулоса бериш	Мурожаат келиб тушгандан кейин 4 кун мобайнида
Давлат ёки нодавлат таълим муассасалари	Ўқув гуруҳларининг рўйхатини ва ўқувчилар сонини ҳамда назарий ва амалий машғулотларнинг бошланиши ва ўқиш муддати тўғрисидаги қарорларини Марказга тақдим этиш	Хулоса олингандан кейин 3 кун мобайнида
Марказ	Тақдим этилган ўқув гуруҳларининг рўйхатини ўқув гуруҳларини рўйхатга олиш китобига қайд этиш	Рўйхат тақдим этилган куни
Таълим муассасаларида таълим олган шахслар	Таълим муассасаларида таълим олган шахслар мазкур Низомнинг 35-бандида назарда тутилган ўқишни тугатганлигини, гувоҳнома ва йиғим суммаси тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатни Марказга тақдим этиш	Назарий ва амалий машғулотлар яқунлангандан кейин
Инспекция	Тракторчи-машинист гувоҳномасини олиш учун тақдим этилган номзодларнинг ҳужжатларининг мазкур Низомнинг 22, 23, 24 ва 25-бандлари талабларига мувофиқлигини ўрганиш ва имтиҳон топширишга рухсат этиш	Ҳужжатлар тақдим этилгандан кейин 3 кун мобайнида
Инспекция, Марказ	Тракторчи-машинист гувоҳномасини олиш учун номзодлардан имтиҳонларни қабул қилиш	Ҳужжатлар тақдим этилгандан кейин 5 кун мобайнида
Комиссия	Имтиҳондан ўтган номзодларга имтиҳон варақасини тўлдириш ва имтиҳон комиссияси баённомасини расмийлаштириш	Имтиҳон олинган куни
	Имтиҳон комиссиясининг баённомаси асосида	

Тракторчи-машинистларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, таълим муассасаларини ҳисобга олиш, имтиҳонларга кириш ва уни ўтказиш ҳамда қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш техникаларини бошқариш ҳуқуқини берувчи тракторчи-машинист гувоҳномасини бериш тартиби

тўғрисидаги **низомига**

3-ИЛОВА

Қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш техникаларини бошқарувчи тракторчи-машинистларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш билан шуғулланувчи таълим муассасаларига қўйиладиган талабларни ўрганиш натижалари бўйича тузилган

ДАЛОЛАТНОМА

20__ йил «__» _____

Тракторлар ва ўзиюрар машиналарни бошқарувчи тракторчи-машинистларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш билан шуғулланувчи таълим муассасаларининг номи, манзили, мулк шакли: _____

Т/р	Талаб	Талабга жавоб бериши (беради, бермайди)	Мулк шакли (ўз мулки ёки ижара)
1.	Бинонинг ҳолати		
2.	Ўқув хонасининг ўлчами (камида 48 м.кв.)		
3.	Ўқув хонасининг иситилиши		
4.	Ўқув хонасининг совутилиши		
5.	Моддий-техник базаси		
6.	Ўқув анжомлари, қуроллари		
7.	Ўқув режалари		
8.	Муҳандис-педагоглар, инструкторлар ҳамда ишлаб чиқариш усталарининг маълумоти ва билим даражаси		
9.	Амалий машғулотлар учун техника ва бошқа шароитлар		
10.	Амалий машғулот учун майдон		
11.	Амалий машғулотлар учун ёнилғи-мойлаш материалларининг ҳолати		
12.	Бошқа шароитлар		

Таълим муассасаси тракторлар ва ўзиюрар техникаларни бошқарувчи тракторчи-машинистларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш талабларига: _____

(жавоб беради/бермайди)

Комиссия аъзолари (имзоси, Ф.И.О., иш жойи ва лавозими):

Таълим муассасаси раҳбари (имзоси, Ф.И.О., лавозими)

Тракторчи-машинистларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, таълим муассасаларини ҳисобга олиш, имтиҳонларга кириш ва уни ўтказиш ҳамда қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш техникаларини бошқариш ҳуқуқини берувчи тракторчи-машинист гувоҳномасини бериш тартиби

тўғрисидаги **низомига**

4-ИЛОВА

**Тракторчи-машинистларга гувоҳномаларни беришда имтиҳон натижалари тўғрисида
ИМТИҲОН ВАРАҚАСИ**

_____ туман (шаҳар)

20__ йил «__» _____

Т/р	Ф.И.О.	Туғилган йил, кун, ой	Ўқиган муассасасининг номи, диплом, гувоҳнома ёки сертификат рақами ва санаси	Тиббий кўрик маълумотнома-сининг рақами ва санаси	Имтиҳон натижалари		
					йўл харакатидан	техника хавфсизлигидан	бош қўникм
					(ўтди, ўтмади)	(ўтди, ўтмади)	(ўтди, ўтмади)
1	2	3	4	5	6	7	

Комиссия
раиси

(имзо)

(Ф.И.О.)

Комиссия
аъзолари

(имзо)

(Ф.И.О.)

(имзо)

(Ф.И.О.)

(имзо)

(Ф.И.О.)

Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 17 апрелдаги 325-сон қарорига
4-ИЛОВА

**Қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш техникаларига давлат рақами
белгиларини ва қатъий ҳисобдаги бланкаларни беришда, рўйхатдан ўтказишда**

(қайта рўйхатдан ўтказишда), техник кўриқдан ўтказишда, шунингдек, тракторчи-машинист имтиҳонларини олишда ундириладиган

ТЎЛОВ СТАВКАЛАРИ

I. Қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш техникаларини рўйхатдан ўтказиш учун давлат рақами белгиларини бериш, яроқсиз ҳолга келган, шикастланганлари ўрнига янги давлат рақами белгиларини бериш учун

1.	Қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш техникаларига давлат рақами белгилари (кейинги ўринларда ДРБ деб аталади) учун	—	энг кам ойлик иш ҳақининг 90 фоизи миқдорида
----	---	---	--

Изоҳлар: яроқсиз ҳолга келган, бузилган ёки шикастланган битта ДРБ ўрнига янги ДРБ бериш учун энг кам ойлик иш ҳақининг 90 фоизи миқдорида йиғим ундирилади;

йўқолган эски намунадаги ДРБ ўрнига янги ДРБ бериш учун энг кам ойлик иш ҳақининг 2 баравари миқдорида йиғим ундирилади;

йўқолган янги намунадаги ДРБ ўрнига янгисини бериш учун энг кам ойлик иш ҳақининг 3 баравари миқдорида йиғим ундирилади;

рўйхатдан ўтказишда олдинги ДРБни сақлаб қолиш учун энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида йиғим ундирилади.

II. Қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш техникаларини рўйхатдан ва қайта рўйхатдан ўтказиш ҳамда рўйхатдан чиқаришни қайд этиш учун

2.	Техник паспорт бериладиган қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш техникалари ҳамда ўзиюрар машиналарни рўйхатдан, қайта рўйхатдан ва вақтинчалик рўйхатдан ўтказиш учун	—	энг кам ойлик иш ҳақининг 20 фоизи миқдорида
3.	Техник паспортга эга қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш техникалари ҳамда ўзиюрар машиналарни рўйхатдан чиқариш учун	—	энг кам ойлик иш ҳақининг 20 фоизи миқдорида
4.	Техник гувоҳнома бериладиган қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш машиналари, агрегатлари ва асбоб-ускуналарини рўйхатдан, қайта рўйхатдан ва вақтинчалик рўйхатдан ўтказиш учун	—	энг кам ойлик иш ҳақининг 18 фоизи миқдорида
5.	Техник гувоҳнома бериладиган қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш машиналари, агрегатлари ва асбоб-ускуналарини рўйхатдан чиқариш учун	—	энг кам ойлик иш ҳақининг 18 фоизи миқдорида

Изоҳлар: техникага ўзгартириш киритиш ва уни қайта жиҳозлашни амалга ошириш учун рұхсатнома беришда энг кам ойлик иш ҳақининг 2 баравари миқдорида йиғим ундирилади.

III. Қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш техникаларининг рўйхатдан ўтказилганлиги ҳақида пластик шаклдаги техник паспорт ва вақтинчалик гувоҳнома бериш учун

6.	Қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш техникалари ҳамда ўзиюрар машиналарнинг рўйхатдан ўтказилганлиги ҳақида техник паспорт бериш учун	—	энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида
----	--	---	--

Изоҳлар: қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш техникалари ҳамда ўзиюрар машиналарнинг рўйхатдан ўтказилганлиги ҳақида вақтинчалик гувоҳномани бериш учун энг кам ойлик иш ҳақининг 20 фоизи миқдорида йиғим ундирилади;

рўйхатдан ўтказилганлиги ҳақида берилган вақтинчалик гувоҳноманинг муддатини узайтириш учун энг кам ойлик иш ҳақининг 20 фоизи миқдорида йиғим ундирилади;

яроқсиз ҳолга келган, шикастланган ёки ўғирланган техник паспорт ўрнига дубликат бериш учун энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида йиғим ундирилади;

йўқолган техник паспорт ўрнига дубликати бериш учун энг кам ойлик иш ҳақининг 1 баробари миқдорида йиғим ундирилади;

йўқолган вақтинчалик гувоҳнома ўрнига дубликати бериш учун энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида йиғим ундирилади;

пластик шаклдаги техник паспорт жорий этилгунга қадар энг кам ойлик иш ҳақининг техник паспорт учун 20 фоизи, йўқотилганининг ўрнига дубликат бериш учун 50 фоиз, яроқсизини алмаштириш учун 20 фоизи миқдорида йиғим ундирилади.

IV. Техник паспорт берилмайдиган қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш машиналари, агрегатлари ва асбоб-ускуналарига техник гувоҳнома бериш учун

7.	Техник паспорт берилмайдиган қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш машиналари, агрегатлари ва асбоб-ускуналарига рўйхатдан ўтказилганлиги ҳақида техник гувоҳнома бериш учун	—	энг кам ойлик иш ҳақининг 30 фоизи миқдорида
----	---	---	--

Изоҳлар: техник паспорт берилмайдиган қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш машиналари, агрегатлари ва асбоб-ускуналарига рўйхатдан ўтказилганлиги ҳақида вақтинчалик техник гувоҳномани бериш учун энг кам ойлик иш ҳақининг 20 фоизи миқдорида йиғим ундирилади;

вақтинчалик техник гувоҳноманинг муддатини узайтириш учун энг кам ойлик иш ҳақининг 20 фоизи миқдорида йиғим ундирилади;

яроқсиз ҳолга келган, шикастланган ва ўғирланган техник гувоҳнома ўрнига дубликат бериш учун энг кам ойлик иш ҳақининг 30 фоизи миқдорида йиғим ундирилади;

йўқолган техник гувоҳнома ўрнига дубликати бериш учун энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида йиғим ундирилади;

йўқолган вақтинчалик техник гувоҳнома ўрнига дубликати бериш учун энг кам ойлик иш ҳақининг 1 баробари миқдорида йиғим ундирилади;

пластик шаклдаги техник гувоҳнома жорий этилгунга қадар энг кам ойлик иш ҳақининг техник гувоҳнома учун 15 фоизи, йўқолганининг ўрнига дубликат бериш учун 30 фоизи, яроқсизини алмаштириш учун 20 фоизи миқдорида йиғим ундирилади.

V. Мажбурий техник кўриқдан ўтказиш учун

8.	100 от кучи ва ундан юқори қувватга эга ғилдиракли тракторлар, мелиорация ва йўл-қурилиш техникалари ҳамда ўзиюрар машиналар	—	энг кам ойлик иш ҳақининг 30 фоизи миқдорида
9.	100 от кучи ва ундан юқори қувватга эга занжирли ва ярим занжирли тракторлар	—	энг кам ойлик иш ҳақининг 30 фоизи миқдорида
10.	100 от кучигача қувватга эга ғилдиракли тракторлар, трактор тиркамалари, мелиорация ва йўл-қурилиш техникалари ҳамда ўзиюрар машиналар, осма ва ярим осма, занжирли, ярим занжирли ва йиғма машиналар	—	энг кам ойлик иш ҳақининг 20 фоизи миқдорида
11.	Қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш машиналари, агрегатлари	—	энг кам ойлик иш ҳақининг 15 фоизи миқдорида
12.	Йўл-қурилиш, мелиоратив ва бошқа мақсадларга мўлжалланган юк ортувчи, пахта, дон ва уруғни қайта ишлашга мўлжалланган машиналар	—	энг кам ойлик иш ҳақининг 15 фоизи миқдорида
13.	Чорвачилик, паррандачилик ва ем-хашак ишлаб чиқариш машина ва технологик ускуналари	—	энг кам ойлик иш ҳақининг 15 фоизи миқдорида

14.	Сув насослари	—	Энг кам ойлик иш ҳақининг 20 фоизи миқдорида
15.	Кичик механизация мосламалари	—	Энг кам ойлик иш ҳақининг 15 фоизи миқдорида
16.	Машина-трактор парклари, таъмирлаш устахоналари, сервис пунктлари ва бошқалардаги ҳар бир станок, асбоб-ускуна, жиҳоз	—	Энг кам ойлик иш ҳақининг 15 фоизи миқдорида

Изоҳлар: қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш техникаларини навбатдаги техник кўриқдан ўтказишнинг илгари ўрнатилган муддатларидан катъи назар, улар Марказда рўйхатдан ўтказиш (қайта рўйхатдан ўтказиш) вақтида техник кўриқдан ўтказилади;

техник кўрик вақтида кўриқдан ўтмаганларни қайта техник кўриқдан ўтказиш учун белгиланган тўлов ставкасининг 1,5 баробари миқдорида йиғим ундирилади;

насос станцияларидаги, дон ва пахта тозалаш корхоналаридаги ҳар бир машина, агрегат учун алоҳида тўлов ундирилади.

VI. Тракторчи-машинистдан имтиҳонларни олиш ва уларга гувоҳнома бериш учун

17.	Назарий имтиҳон топшириш учун (йўл-ҳаракат ва техникадан фойдаланиш қоидалари)	—	Энг кам ойлик иш ҳақининг 27 фоизи миқдорида
18.	Ҳар бир қайта назарий имтиҳон топшириш учун	—	Энг кам ойлик иш ҳақининг 30 фоизи миқдорида
19.	Қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш техникаларини амалий бошқариш бўйича имтиҳон топшириш учун	—	Энг кам ойлик иш ҳақининг 25 фоизи миқдорида
20.	Ҳар бир қайта амалий бошқариш бўйича имтиҳон топшириш учун	—	Энг кам ойлик иш ҳақининг 30 фоизи миқдорида
21.	Пластик шаклдаги тракторчи-машинист гувоҳномаси бериш, эски намунадаги гувоҳномани алмаштириш учун	—	Энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида

Изоҳлар: йўқолган тракторчи-машинист гувоҳномаси ўрнига вақтинчалик рухсатнома бериш учун энг кам ойлик иш ҳақининг 10 фоизи миқдорида йиғим ундирилади;

яроқсиз ҳолга келган, шикастланган ёки ўғирланган тракторчи-машинист гувоҳномаси ўрнига дубликати бериш учун энг кам ойлик иш ҳақининг 70 фоизи миқдорида йиғим ундирилади;

йўқолган эски намунадаги тракторчи-машинист гувоҳномаси ўрнига янги намунадаги тракторчи-машинист гувоҳномасини бериш учун энг кам ойлик иш ҳақининг 1 баробари миқдорида йиғим ундирилади;

йўқолган янги намунадаги тракторчи-машинист гувоҳномаси ўрнига дубликат бериш учун энг кам ойлик иш ҳақининг 1 баробари миқдорида йиғим ундирилади;

тракторчи-машинистларга класс бериш учун энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида йиғим ундирилади;

чет давлат фуқароси, фуқаролиги бўлмаган шахсларга ва дипломатик хизмат ходимларига тракторчи-машинист гувоҳномалари бериш учун энг кам ойлик иш ҳақининг 2 баравари миқдорида йиғим ундирилади;

пластик шаклдаги тракторчи-машинист гувоҳномаси жорий этилгунга қадар энг кам ойлик иш ҳақининг тракторчи-машинист гувоҳномаси учун — 20 фоизи, йўқолганининг ўрнига дубликат бериш учун — 50 фоизи, яроқсизини алмаштириш учун — 30 фоизи миқдорида йиғим ундирилади.

**VII. Қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш техникалари учун
маълумотнома бериш, тақиқларни қайд этиш учун**

22.	Қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш техникалари ҳамда ўзиюларар машиналарга ТМ-1 шаклдаги маълумотнома бериш ва тақиққа олиш учун	—	ЭНГ кам ойлик иш ҳақининг 10 фоизи миқдорида
23.	Қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш техникалари ҳамда ўзиюларар машиналарга рўйхатда турганлиги, ҳолати тўғрисида тендер комиссиялар ва бошқаларга маълумотнома бериш учун	—	ЭНГ кам ойлик иш ҳақининг 10 фоизи миқдорида

Изоҳлар: ТМ-1 шакли бўйича маълумотнома техникалар олди-сотди, совға қилинганда, мерос қилиб қолдирилганда, кредит учун кафолатга қўйилаётганда ёки бошқа ҳолатларда шартнома тузилишида нотариал идоралар, савдо биржалари ва бошқалар томонидан талаб қилиниши лозим.

Ўза ва ғалла уруғчилиги билан шуғулланиш учун танловда иштирок этиш ҳамда бошқа ҳолатларда маълумотнома, белгиланган тўлов асосида берилади.

**VIII. Қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш техникаларини ҳисобдан
чиқариш ишларини амалга ошириш учун**

24.	Техник паспортга эга бўлган ўзиюларар қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш техникаларини ҳисобдан чиқариш ишларини амалга ошириш учун	—	ЭНГ кам ойлик иш ҳақининг 20 фоизи миқдорида
25.	Техник гувоҳномага эга бўлган қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш машиналари, асбоб-ускуналарини ҳисобдан чиқариш ишларини амалга ошириш учун	—	ЭНГ кам ойлик иш ҳақининг 18 фоизи миқдорида

Изоҳлар: ҳисобдан чиқаришга доир ҳужжатлар белгиланган тартибда мулк эгаси томонидан тайёрланади, Марказ томонидан ҳисобдан чиқариш учун зарур ҳужжатларнинг қонунийлиги ҳамда техниканинг ҳолати кўриб чиқилади.

техникалар бўйича кўрсатиладиган давлат хизматларидан тушган йиғимларни 20 фоизи республика бюджетига, 80 фоизи Инспекция жамғармасига ажратилади. ДРБ, техник паспорт ва бошқаларни тайёрлаш, қўшимча жалб этилган ходимларни иш ҳақи учун харажатлар Инспекция жамғармаси ҳисобидан копланди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 17 апрелдаги 325-сон қарорига
5-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи
устидан назорат қилиш инспекцияси томонидан назорат қилинадиган ва техник
кўрикка жалб этиладиган қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш
техникалари, таъмирлаш ва сервис асбоб-ускуналари турларининг**

РЎЙХАТИ

I. Қишлоқ хўжалиги техникалари

1. Тракторлар;
2. Трактор тиркамалари;
3. Ўзиюларар машиналар:
 - ғалла ўриш комбайнлари;
 - шоли ўриш комбайнлари;
 - маккажўхори ўриш комбайнлари;
 - пахта териш машиналари;
 - ем-хашак ўриш комбайнлари;
 - силос ўриш комбайнлари;

ўрмон хўжалиги техникалари;
қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ўзи ҳаракатланувчи қурилмага (двигателга)
эга бўлган бошқа машиналар.

4. Қишлоқ хўжалиги машиналари (трактор ҳамда ўзиюрар техникалар билан
ишлатиладиган машиналарнинг барчаси):

плуглар;

чизеллар;

культиваторлар;

калта ва узун базали текислагичлар;

лазер бошқарувли текислагичлар;

тишли ва диски бороналар;

молалар;

чигит экиш сеялкалари;

пневматик сеялкалар;

дон экиш сеялкалари;

пуркагичлар;

минерал ўғит сепгичлар;

органик ўғит сепгичлар;

тупроққа ишлов бериш учун актив ишчи органли агрегатлар, фрезалар;

йиғгич-пресслагичлар;

ариқ қазгичлар;

илдиз суғургичлар;

майдалагичлар;

мотоблоклар;

мотокультиваторлар;

махсус боғдорчилик машиналари;

махсус сабзавот-полизчилик машиналари;

махсус чорвачилик машиналари;

махсус ўрмон хўжалиги машиналари;

пахта, дон қабул қилиш пунктлари, корхоналарида мавжуд бўлган махсус уруғлик
саралаш ва бошқа машиналар, ускуналар (махсус технологик жиҳозлардан, тола ажратгич,
тегирмон кабилардан ташқари);

қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган бошқа машиналар.

II. Мелиорация техникалари

1. Экскаваторлар;

2. Бульдозерлар;

3. Скреперлар;

4. Кўчма ва стационар насослар;

5. Суғориш машиналари;

6. Мелиорацияга тегишли бошқа техника ва машиналар.

III. Йўл-қурилиш техникалари

1. Грейдерлар;

2. Асфальт ётқизгичлар;

3. Катоклар;

4. Кўчма ва стационар бетон қорғичлар;

5. Юклагич (погрузчик)лар;

6. Йўл-қурилишда фойдаланиладиган бошқа техника ва машиналар.

IV. Жихоз ва асбоб-ускуналар

1. Техника таъмири учун зарур ўлчов асбоблари;

2. Техниканинг техник сервиси ва уларни таъмирлаш учун асбоблар ва мосламалар: металлга ишлов берувчи станоклар,

кўчма ва стационар пайвандлаш қурилмалари,

темирчилик преслаш асбоб-ускуналари;

электр энергияси билан ишловчи асбоблар, гидротизимлар, ёқилғи насослари ва форсункалар, двигателлар, бошқарув механизмлари диагностикаси учун қурилмалар.

3. Қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш техникаларини сервис ва таъмирлаш устахоналарида фойдаланиладиган бошқа жиҳоз ҳамда ускуналар.

Изоҳлар: юқорида қайд этилган техникалар мулк шакли ва фойдаланиш йўналишидан қатъи назар белгиланган тартибда назорат қилинади, давлат рўйхатидан ўтказилади ва йиллик техник кўрикка жалб этилади;

ушбу рўйхатга кирмаган, Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси ва Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармалари томонидан рўйхатга ва назоратга олинмаган барча турдаги қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш техникалари ҳам рўйхатга ва назоратга олинади;

конларда ишлайдиган махсус экскаватор, бульдозерлар Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси томонидан рўйхатга олинади ва назорат қилинади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 17 апрелдаги 325-сон қарорига

6-ИЛОВА

Қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш техникалари ҳамда агротехника тадбирлари ҳолатининг назоратини самарали ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар

РЕЖАСИ

Т/р	Тадбирлар номи	Молиялаштириш манбаи	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
I. Қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш техникалари ҳолатини назорат қилиш бўйича				
1.	«Агросаноат мажмуида хизматлар кўрсатиш маркази» давлат унитар корхонаси томонидан қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш техникалари бўйича давлат хизматлари кўрсатишни йўлга қўйиш.	-	2019 йил апрель-май	Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси, манфаатдор вазирлик ва идоралар
2.	Давлат рақам белгиларини тайёрлаш ва жойларга етказиш.	Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси жамғармаси маблағлари ҳисобидан	2019 йил апрель-май	Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси,

Т/р	Тадбирлар номи	Молиялаштириш манбаи	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
				Ички ишлар вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар
3.	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси ва «Агросаноат мажмуида хизматлар кўрсатиш маркази» давлат унитар корхонаси ходимларини қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш техникалари йўналишида давлат хизматлари кўрсатиш бўйича малакасини ошириш.	Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси жамғармаси маблағлари ҳисобидан	2019 йил апрель-май	Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси, манфаатдор вазирлик ва идоралар
4.	Қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш техникаларини рўйхатдан ўтказиш учун зарур замонавий автоматлаштирилган тизимли ва дастурий таъминотли сервер ускуналарини харид қилиш ва ўрнатиш.	Республика бюджети маблағлари ҳисобидан	2019 йил 1 август	Молия вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси
5.	Республикада мавжуд бўлган барча қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш техникаларини тўлиқ хатловдан ўтказиш ва электрон ҳисобини юритишни таъминлаш.	Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси жамғармаси маблағлари ҳисобидан	2019 йил 1 август	Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, «Ўзагросервис» АЖ, манфаатдор вазирлик ва идоралар
6.	Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри учун қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва	Республика бюджети маблағлари ҳисобидан	2019 йил 1 сентябрь	Молия вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги

Т/р	Тадбирлар номи	Молиялаштириш манбаи	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
	Йўл-қурилиш техникаларини мажбурий техник кўриқдан ўтказиш учун зарур 14 комплект техник диагностика воситаларини харид қилиш ва жойларга етказиш.			Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси, манфаатдор вазирлик ва идоралар
7.	Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларнинг туманларини босқичма-босқич қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш техникаларини мажбурий техник кўриқдан ўтказиш учун зарур техник диагностика воситалари билан таъминлаш.	Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси жамғармаси, «Агросаноат мажмуида хизматлар кўрсатиш маркази» ДУК маблағлари ҳисобидан	2020 — 2022 йиллар	Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси, манфаатдор вазирлик ва идоралар
8.	Қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш техникаларини мажбурий техник кўриқдан ўтказишни ҳар йили белгиланган масканларга йиғиш, техник диагностика воситалар билан амалга оширишни тизимли равишда олиб бориш.	-	доимий	Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси, Ички ишлар вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
9.	Хорижий давлатлардан келтирилаётган ва маҳаллий корхоналарда ишлаб чиқарилаётган қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш техникаларини давлат синовидан ўтказишни тизимли йўлга қўйиш.	-	2019 йил 1 июль	Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги техникаси ва технологияларини сертификатлаш ва синаш давлат маркази, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат

Т/р	Тадбирлар номи	Молиялаштириш манбаи	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
				мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси, Давлат божхона қўмитаси
10.	Ўзбекистон Республикасида қишлоқ хўжалигида қўллашга тавсия қилинган техникалар реестри юритилишини ташкил этиш.	-	2019 йил 1 июль	Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги техникаси ва технологияларини сертификатлаш ва синаш давлат маркази, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси, «Ўзстандарт» агентлиги
11.	Пластик шаклдаги техник паспорт, техник гувоҳнома ва тракторчи-машинист гувоҳномасини бериш учун зарур 50 комплект ускуналар ҳамда дастурий таъминотни харид қилиш ва ўрнатиш.	Республика бюджети маблағлари ҳисобидан	2019 йил 1 октябрь	Молия вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси, манфаатдор вазирлик ва идоралар
12.	Барча туманларни босқичма-босқич пластик шаклдаги техник паспорт, техник гувоҳнома ва тракторчи-машинист гувоҳномасини бериш учун зарур комплект ускуналар билан таъминлаш.	Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси жамғармаси, «Агросаноат мажмуида хизматлар кўрсатиш маркази» ДУК маблағлари ҳисобидан	2020 — 2022 йиллар	Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси, манфаатдор вазирлик ва идоралар
13.	Пластик шаклдаги техник паспорт, техник гувоҳнома ва	Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат	2019 йил	Вазирлар Маҳкамаси

Т/р	Тадбирлар номи	Молиялаштириш манбаи	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
	тракторчи-машинист гувоҳномаси бланкаларини тайёрлаш.	мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси жамғармаси маблағлари ҳисобидан	1 ноябрь	хузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси, манфаатдор вазирлик ва идоралар
14.	«Агросаноат мажмуида хизматлар кўрсатиш маркази» давлат унитар корхонаси томонидан қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш техникалари йўналишида давлат хизматлари кўрсатиш бўйича Тошкент шаҳрида синов тариқасида пластик шаклдаги техник паспорт, гувоҳнома ва тракторчи-машинист гувоҳномаси беришни йўлга қўйиш.	Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси жамғармаси маблағлари ҳисобидан	2019 йил 1 декабрь	Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси, манфаатдор вазирлик ва идоралар
15.	«Агросаноат мажмуида хизматлар кўрсатиш маркази» давлат унитар корхонаси томонидан қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш техникалари йўналишида давлат хизматлари кўрсатиш бўйича республика миқёсида пластик шаклдаги техник паспорт, гувоҳнома ва тракторчи-машинист гувоҳномаси беришни босқичма-босқич йўлга қўйиш.	Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси жамғармаси маблағлари ҳисобидан	2020 йил 1 март	Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси, манфаатдор вазирлик ва идоралар
II. Агротехник тадбирларнинг ҳолатини назорат қилиш бўйича				
16.	Ёзги ва кузги шудгорлаш тадбирларини сифатли, тўлиқ майдон ҳосил қилган ҳолда белгиланган муддатларда ўтказилишини назорат қилиш.	-	доимий	Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Агросаноат мажмуи устидан

Т/р	Тадбирлар номи	Молиялаштириш манбаи	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
				назорат қилиш инспекцияси, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги
17.	Қишлоқ хўжалиги экинларини экиш, парваришлаш даврида белгиланган агротехник тадбирларнинг ўтказилишини назорат қилиш.	-	доимий	Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги
18.	Пахта териш машиналари ёрдамида пахта ҳосилини териб олиш учун далаларни машина теримига тайёрланиши ва машина теримининг сифатли ўтказилишини назорат қилиш.	-	доимий	Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги
19.	Бошоқли дон экинлари ҳосилини йиғиштириб олишга ғалла ўриш комбайнлари тайёрланганлигини ва мавсум давомида ҳосилни йўқотишларсиз ўриб-йиғиб олишни назорат қилиш.	-	доимий	Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги

(Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 18.04.2019 й., 09/19/325/296-сон)